Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 21 (4576) // 2020-yil 19-iyun

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг шеъриятимиз султони ҳазрат Алишер Навоийнинг газалларини рус тилига юксак бадиий маҳорат билан таржима қилган ва ушбу газаллар буюк шоирнинг рус тилида нашр этилган 10 жилдлик асарлар тўпламидан муносиб ўрин эгаллаган. У ҳар йили 9 февралда Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар ҳамда ўзбек шеъриятидан янги таржималарини қўтариб келар, ўша кунларда у ёки бу газетада Алишер Навоий ҳақидаги мақоласини чоп этишни ҳам канда қилмасди.

Александр Файнберг адабиётимизга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган устозларимиз авлоди вакилидир. Улар бир-бирлари билан ҳамкасб бўлиши билан биргаликда яқин ва қадрдон дўст эди. Шоир Марказ-1 мавзесидаги Ёзувчилар уйида Миртемир, Ваҳоб Рўзиматов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Зоя Туманова, Рауф Галимов, Ойдин Ҳожиева, Иброҳим Ғафуров каби адиблар билан кўни-қўшни бўлиб яшади, ҳамкорликда ижод қилди. Тенгдошлари уни эркалатиб Саша дейишар эди. Ушбу дўстлик ва ижодий ҳамкорлик миллий адабиётимиз тарғиботида катта самаралар берди. Таниқли шоира Зоя Туманова Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драматик достонини ва бошқа асарларини рус тилига ўгирган бўлса, Александр Файнберг эса Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” достони, Асқад Мухтор, Жуманиёз Жабборов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Усмон Азим, Азим Суюн, Сирожиддин Саййиднинг туркум шеърларини юксак бадиий маҳорат билан таржима қилди. 2007 йилда “Признание” (Стихотворения поэтов Узбекистана), 2008 йилда “Лебединая стая” (Стихи поэтов Узбекистана) китоблари нашр этилди. Ўз навбатида шоирнинг ўзбек ижодкорлари томонидан таржима қилинган шеърлари, мақолалари ўзбек матбуотида мунтазам чоп этилди, ўзбек тилида “Чиғир” номли шеърий ва насрий асарлари тўплами босилди.

Ўтган йили Ўзбекистон давлат Рус академик драма театрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Александр Файнберг таваллудининг 80 йиллигига бағишланган катта адабий-мусиқий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимиздаги атоқли адиблар номи билан аталадиган “Ижод мактабларида Александр Файнберг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида шоирнинг барча шеърий асарлари ва достонларини ўз ичига олган икки жилдлик асарлар тўплами нашр этилди.

Юқорида айтганимиздек, шоирнинг улуғ бобомизга ихлоси, қолаверса, ўзбек халқига улкан меҳр-муҳаббати боис, мана бугунги кунда унинг ҳайкали ҳам ҳазрат Алишер Навоий бош бўлиб турган Адиблар хиёбонидаги атоқли ижодкорлар қаторидан ўрин олди.

Бу мамлакатимизда русийзабон ва бошқа тилларда ижод қилаётган адибларга ҳам баравар имкониятлар яратилганини кўрсатиши билан бирга, адабиётимизнинг салмоғи ва бўй-басти нақадар юксаклигини ҳам намойиш этиб турибди. Бугун бу файзли хиёбонга ташриф буюрган олий ўқув юртлари талабалари, ижодкор ёшлар унинг Адиблар хиёбонида ўрнатилган ҳайкали пойига гуллар қўйиб, устоз шоирлар иштирокида мушоиралар, шеърият ва бадиий таржима бўйича адабий гурунглар ўтказишмоқда.

Александр Файнберг ҳаётлигида “Голос Узбекистана” газетасида эълон қилинган сухбати яқинда қўлимга тушиб қолди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги бадиий ижод, китобхонлик, миллий адабиётимиз тарғиботига оид бугунги долзарб масалалар қаламга олинган. Мазкур сухбатни ўзбек тилига таржима қилиб, газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

2

КИТОБ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМ

Ҳаётнинг гўзал саҳифаларини адабиётдан ўқиш кишига завқ беради. Мен Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларини ўқувчилик пайтим мутолаа қилганман, ушанда уларга меҳрим тушган. Бу китобларни такрор-такрор ўқиб турардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20 май куни Ташкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи давомида ижод аҳли ва олий таълим муассасалари раҳбарлари билан мулоқот қилди. Бу файзли масканни маънавият бўстонига айлантириш юзасидан қимматли фикрларини билдирди. Адиблар хиёбонида талаба-ёшлар учун қизиқарли тадбирларни мунтазам йўлга қўйиш бўйича ҳам алоҳида тавсиялар берди. Шунга кўра, Тошкент давлат техника университетига хиёбондаги Абдулла Қодирий ҳайкали бириктирилган ва Абдулла Қодирий ижод мактаби билан ҳамкорлик қилиш вазифаси юклатилган эди. Тез орада университет ва ижод мактаби ўртасида амалий иш олиб бориш учун “Йўл харитаси” тузилди. Университетда “Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида дастур ва режа ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатларга кўра, барча факультетлар, кафедраларга дастур ва режада кўрсатилган йўналишларда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш белгилаб олинди. Ишлар амалий ва онлайн, электрон шакл ва масофадан узатиш ҳамда веб-сайт орқали олиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Ўзини ҳурмат қилган инсон Абдулла Қодирийни бир эмас, бир неча марта ўқиган бўлади”, деб айтган сўзларида катта маъно мужассам. Шахсан мен улуғ ёзувчининг асарларини қайта ўқиш билан чекланмай, унинг фарзанди Ҳабибулла Қодирийнинг “Турмуш сабоқлари” ва “Отам ҳақида” китобларини, ёзувчи ҳақида газеталарда босилган мақолаларни ҳам ўқиб, катта маънавий озуқа олдим. Адабиёт инсон қалбини мунаввар қилади, айниқса, ёшлар онгини илм-маърифат билан бойитади.

Мен танлаган касб бошқа соҳага оид бўлса-да, китоб доимий ҳамроҳим. Зеро, адабиёт барча соҳаларни қамраб олади, ҳаёт тўғрисида кенг тушунча беради, дунёқарашни кенгайтиради ва фикрлашга ўргатади.

Яқинда мен ўқийдиган Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида “Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда улуғ адиб ижодининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат, ота-онага садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни, улуғ аждодларимизнинг маънавий меросини теран ўрганиш ҳақида сўз юритилди. Суҳбатда иштирок этган ёзувчининг набиралари Хондамир Қодирий ва Шеркон Қодирий, адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров, филология фанлари доктори Баҳодир Карим ва бошқалар адибнинг адабий мероси хусусида қизиқарли маълумотлар сўзлаб бердилар. Тадбир давомида университет талабалари томонидан тайёрланган “Меҳробдан чаён” романидан саҳна кўриниши намойиш этилди. Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабининг ўқувчилари адибга бағишланган шеърларидан намуналар ўқишди.

Шердил ТУГАЛОВ,
Тошкент давлат техника университети талабаси

МИЛЛАТНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 12 июнь куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтига ташриф буюрди. Ушбу даргоҳда яратилган қулайликлар билан танишди. Янги иморатда еттита илмий лаборатория ва «Ёш математиклар» маркази фаолият юритади. Бинонинг шинам қаватларида ахборот-ресурс маркази ва семинар хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона жойлашган. Хоналар энг илғор техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

2

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази ташаббуси билан Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон давлатларининг адабий- маданий алоқаларига бағишланган онлайн-конференция бўлиб ўтди. Унда ҳар икки халқ ижодкорлари ва адабиётшунос олимлари иштирок этди.

МУҲАББАТ ЯНГЛИҒ ДЎСТЛИК

Бугунги кунда адабиётларимиз дўстлиги тасбеҳ доналари каби давом этаётир. 2018 йил 7-8 август кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Озарбайжон Миллий Ёзарлар бирлиги раиси, халқ ёзувчиси Анор, таниқли озарбайжон драматурги Фируз Мустафо қатнашиб, тадбир доирасида икки давлат ёзувчилар уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди ва таъкидлаш жоизки, адабий ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди. Шу йиллар давомида Ганира Пашаева, Алмаз Улви, Рамиз Аскер, Юнус Ўғуз каби озарбайжон ижодкорлари юртимизда ўтган адабий тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларини озар тилига ўгирган олим Рамиз Аскер, ўзбек адабиётининг чинакам тарғиботчиси Алмаз Улви, шоир ва олим Акиф Бағиров Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзолигига қабул қилинди. Алишер Навоийга бағишлаб Бокуда бўлиб ўтган илмий анжуманда бир гуруҳ ўзбек шоир ва адабиётшунослари иштирок этишди.

Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Ойбек, Зулфия ҳамда Усмон Қўчқор, Эркин Усмонов каби устозларнинг таржимонлик фаолиятидан ибрат олиб, Мирзо Кенжабек, Эргаш Очилов, Раззоқ Абдурашид, Ҳайдар Муҳаммад, Маматқул Ҳазратқулов каби ижодкорларимиз ўзбек-озар адабий алоқаларини янада ривожлантиришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

2

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Яқиндагина “Ўзбеккино” Миллий агентлигида таниқли режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг “Фариданинг икки минг қўшиғи” номли бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтган ва ушбу янги асар иштирокчиларда катта таассурот қолдирганди.

Маълум бўлишича, ушбу киноасар Осиёда ўтадиган нуфузли “Пусан” кинофестивалида иштирок этади. Мазкур фестиваль 1996 йилдан буён ўтказиб келинади. Бу йил 25-маротаба ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу йирик анжуман Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида 7-16 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

“Фариданинг икки минг қўшиғи” фильм режиссёри ва барча ижодкорларига омад тилаймиз.

МУНАВВАР МАНЗИЛУ МАСКАН

Азим Шош бағрида унган не ҳайрат, не гулистон бу,
Адиблар машварат қурган муаззам бир хиёбон бу.

Жаҳонда кўп мунаввар манзилу маскан, азиз жойлар
Вале булбул китоб битган чаманлар ичра бўстон бу.

Неча сўз мулкида моҳир сеҳрлар айлагай зоҳир,
Навоий базмида ҳозир нурафшон кавкабистон бу.

Кезиб боғ саҳнида масрур ҳабибин излагай танбур,
Муқимий, Фурқату Бобур сўзи бу – гавҳаристон бу.

Ўпиб сиймосини кўз бирла, тупроғин тавоф айла,
Шаҳид Абдулла, Беҳбудий яна саргашта Чўлпон бу.

На ёлғиз боғ дема, айтгил: эрур равшан кутубхона,
Илм-фан, маърифат, шеъру шуур уққан китобхон бу.

Неча олим, неча фозил қилур мўъжизалар нозил –
Бўлурлар баҳралар ҳосил, мунаққаш давра, иймон бу.

Келиб шеърини такрор қил, магар эркин бўлолмас дил,
Қўлинг тут, жон укам, сингил, муқаррар абри найсон бу.

Сен, эй аҳли башар, қайдин дема бунча талотўплар,
Келиб, сен ҳам зиёрат қил, кўнгил сайрига имкон бу.

Насиб этгай яна толе, мунаввар бўлғуси шомлар,
Ҳар они имтиҳон бўлган улус дардига дармон бу.

Сўзимнинг мағзини, эй дўст, сўра бунда гиёҳ, гулдан:
"Азиз юрт сарварин меҳри мужассам Ўзбекистон бу!"

Шодмон СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Бухоро вилояти бўлими раҳбари

Александр ФАЙНБЕРГ:

ЁЗАЁТГАНИНГ БУ – СЕНИНГ БАХТИНГ

– Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар шоирлари билан учрашувларда мухлислар стадионларга сиғмай кетар эди, деб эслашади.

– Шеърият, умуман, стадионлар учун эмас. Стадионлар – спорт учун. Шеърият – адабиётга ўзини бағишлаганларнинг қисматидир. Шундай шеърлар китобинг бўлса, уни бир инсон ўз руҳий ҳолати ва кайфиятидан келиб чиқиб, ички эҳтиёж билан варақлаб ўқиса. Долзарблик масаласига келсак, гап бундай. Шеърият, тасвирий санъат, мусиқа... Ҳар қандай санъат, агар у ҳақиқий бўлса, ҳамиша долзарбдир.

– Болаларни китоб ўқишга қаерда ўргатиш мумкин?

– Мактабда. Болалар боғчасидан бошлаб китоб ўқишга ўргатиш янаям яхши. Бола ўз-ўзидан билим олишга интилиши учун қандай дарс ўтиш керак? Ўқитувчи-тарбиячилар шу масала устида бош қотиришлари зарур. Ёшлар етарли даражада билим олишлари учун давлатимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Янгидан янги мактаблар, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари барпо этилмоқда. Бу ёғи энди малакали мутахасислар қўлида.

– Ҳақиқий шеърият дегани нима?

– У юраккача етиб бориши, руҳни тўлқинлантириши зарур. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатни англаганлар кам топилади. Озгина билиминг бўлса, сўзларни тезгина қофиялай олсанг бўлди – олға босавер, деб ўйлашади. Бироқ бу ҳақиқий шеърият эмас. Мен ҳам "графомания" касаллигига мубтало бўлган одамларга ўхшаб километрлаб узунликдаги "асар" ёзишим мумкин. Шеърий "асарлар яратиш"дан тезгина совиб кетаётган ёшлардан ташқари ҳам бу касалликка мубтало бўлганлар кўп. Шеър – кўнгилни бирдан равшанлаштириб юборадиган ёғду, у кутилмаганда келади. Ўзингни не кўйга солма, гарчи мен бу сўзни ёқтимасам ҳам, илҳом келмаса, фойдаси йўқ.

– Қофия танлашда қийналган пайтларингиз бўлганми? Марина Цветаева каби "дидга мос" сўз излаганмисиз?

– Менда қофия бўйича ҳеч қанақа муаммо йўқ. Ёзгим келса, ёзавераман. Бироқ ҳар доим ҳам бу ҳолатга тушавермайман. Баъзан уч-тўрт йил мобайнида бир мисра ҳам шеър ёзолмайман, баъзан эса бир ҳафтада бир китобнинг ярмини ёзиб қўяман. Бир сатрнинг иккинчи ярмида нима рўй беришини бимасанг, бу ҳақиқий бахт. Иккинчи сатрнинг ўзи келади. Марина Цветаевага келсак, у буюк шоира. Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентда яшаган яна бир буюк шоира бу – Анна Ахматова.

– Алишер Навоий – севимли шоирингиз. Унинг ғазалларини озмунча таржима қилмагансиз...

– Алишер Навоийнинг рус тилида нашр этилган асарлар тўпламида мен таржима қилган ўнлаб ғазаллар бор. Бундай шарафга муяссар бўлганимдан бахтлиман. Айтиш керакки, мен ҳозир бу буюк шоирнинг бутун ижодини ўрганаяпман. Алишер Навоий ғазалларини рус тилига кўплаб шоирлар таржима қилган. Бироқ таржималарнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек чиқмаган. М. Державин, С. Иванов ва бошқаларнинг таржимаси бадиий жиҳатдан Навоий шеъриятидан, яъни аслиятдан анча саёз ва йироқ. Шоирнинг ижоди улар ўйлаганидан кўра ниҳоятда юксак. Уларнинг англашича, Алишер Навоий шеърияти – фақат парилар ва ҳурлар тараннумидангина иборат. Сўзма-сўз таржимада ҳам шундай берилган. Агар чуқурроқ ва нозикроқ ҳис эта бошлаганинг сайин, Алишер Навоий асарлари ниҳоятда теран ва кўпмаъноли эканлигини англайверасан. Жуда кўп фикрларини шоир кўчма маънодаги иборалар, тимсоллар билан ифодалаган. Ахир, у яшаган муҳит фақат дўстлардангина иборат бўлмаган. Ўша замонларда фақат санъатни касб қилиб олган, ҳаётда биргина соҳа билан чегараланиб қолган одам умуман бўлмагани мени ҳайратга солади. Масалан, Алишер Навоий – олим, мусиқашунос, шоир ва айни пайтда давлат арбоби бўлган. У ўзининг барча соҳалардаги фаолиятини халқ манфаати, эл-юрт фаровонлигига бахшида этган.

– Сизнинг "Ёзаётганинг бу – сенинг бахтинг, асарларингнинг нашр этилгани эса – байрамингдир," деган иборангиз бор...

—Ҳа, шундай деганман. Чунки ёзганларинг билан одамлар орасига кириб борасан. Сенинг сўзларингни эшитишларини истайсан. Бугун шеъриятнинг долзарблиги масаласига қайтар эканмиз, шеърият кечаларида турли ёшдаги китобхонлар – мактаб ўқувчиларидан тортиб кекса кишиларгача қатнашаётгани мени қувонтиради. Майли, уларнинг сони оздир, лекин уларнинг борига шукур. Энг муҳими, ўзинг тиниб қолмаслигинг керак, яна – фақат ростгўй бўлишинг шарт. Одамлар ёлғонни дарҳол сезади.

Суҳбатни Анастасия ПАВЛИНКО ёзиб олган.

МУНОСИБ ИЗДОШ БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Сирдарё вилоятидаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ўқув хоналари, шоира ҳаёти ва ижодига доир музей, кутубхона, музокаралар зали, 120 ўринли фаоллар зали, нашриёт хонаси, тўгарак хоналари, 100 ўринли ошхона,100 ўринли ётоқхона, спорт зал, ёзги спорт майдони, қишки боғ мавжуд. Мактабда 25 нафар ўқувчининг биринчи шеърий китоби чоп этилган, 15 нафар ўқувчи вилоят фан олимпиадалари ғолиби, 2 нафари спорт соҳасида вилоят чемпионидир. Бир канча ўқувчиларининг шеър, ҳикоя ва мақолалари республика нашрларида чоп этилган. Ижод мактаби ўқувчилари яқинда Адиблар хиёбонида бўлиб, бу даргоҳда сиймоси қад ростлаб турган улуғ шоир ва ёзувчиларга муносиб издош бўлиш орзусини кўнгилларига туйдилар.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
ижод мактаби директори

ИСТИҚБОЛГА СУЗАЁТГАН КЕМА

Куни кеча Мўйноқ тумани "Бўзатов" овул фуқаролар йиғини ҳудудида янги бунёд этилган "Оқ кема" номли болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросимида иштирок этдик. Мўйноққа сафаримиз одатдагидай Орол денгизи соҳилидан бошланди, сўнгра денгиз тарихига бағишланган музей ва туманнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдик. Ниҳоят, барчамиз сабрсизлик билан кутаётган "Оқ кема" оромгоҳига етиб бордик.

Ҳақиқатан, Мўйноқ туманининг мафтункор қиёфаси яна бир янги замонавий бино билан чирой очибди. Оромгоҳ Президентимизнинг 2018 йилнинг ноябрь ойидаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича берган топшириғи асосида бунёд этилган. Оромгоҳ бир навбатда 250 нафар болани қабул қилишга мўлжалланган.

Кираверишда йўлагининг икки томонида иккита катта ва кўркам "Оқ кема" ўрнатилган. Улар рамзий маънода келажакка қараб сузаётган кемаларга ўхшайди. Майсазор оралаб тўшалган йўлакларга ўрнатилган чироқлар, жўшқин фавворалар, энг замонавий компьютер жиҳозлари билан безалган ахборот технологиялари хонаси, юзлаб китоблардан ташкил топган файзли кутубхона, замонавий жиҳозланган ётоқхоналар, муҳташам ва озода ошхона, кўм-кўк чўмилиш ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол, теннис спорт майдончалари, кичик ёшдаги болажонларга мўлжалланган аттракционлар, кичик кинотеатр ва концерт-томошаларга мўлжалланган саҳна қалбимизни ҳавасларга тўлдириб юборди. Оромгоҳда ташкил этилган мусиқа, ракс, инглиз тили, спортнинг шашка-шахмат, сузиш каби турларидан тўгарак машғулотлари йўлга қўйилган.

«Оқ кема» оромгоҳи атрофига боғ яратиш мақсадида беш гектар ер майдонига уч мингта яқин мевали ва декоратив дарахтлар ўтказилди. Демак, яқин вақтлар ичида ушбу ҳудуд ҳам яшилга бурканади. Умуман, «Бўзатов» овулида «Ёшлар боғи», «Қўқон боғи», «Ажиниёз боғи», «Ўзбекистон Миллий университети боғи», «Навоий боғи» каби ўнлаб боғлар бунёд этилди. Уларнинг барчаси ям-яшил.

«Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳига мавсум давомида 4 навбатда жами 600 болани соғломлаштириш режалаштирилган.

Мавсум давомида болаларнинг мазмунли дам олишини ва қўшимча таълим олишини таъминлаш мақсадида жами 66 нафар педагог ходимлар фаолият олиб бормоқда.

Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчилари, Мўйноқ, Шўманай, Қонликўл туманларининг кам таъминланган оилалари фарзандлари, Ибройим Юсупов номидаги «Ижод» мактаби ўқувчилари оромгоҳнинг биринчи бахтли дам олувчилари бўлди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу оромгоҳда дам олиб, чиниққан ёшлардан келажакда Ажинияз, Бердақ каби улуғ ижодкорлар, Ибройим Юсуповдек Ватан, миллат фидойилари чиқажагини комил ишонч билан эътироф этишди.

Ботир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

МУҲАББАТ ЯНГЛИҒ ДЎСТЛИК

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида давлатимиз илк бор Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этди. Ана шу анжуманда Президентимиз маданий-гуманитар соҳалар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, Кенгашга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат 100 жилддан иборат "Туркий адабиёт хазинаси" номли китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш таклифини билдирди. Бу, албатта, туркий тилли халқларни янада жипслашувига кўмак беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрди. Адиблар хиёбонининг янги қиёфаси бугун барчанинг диққат-эътиборида. Ҳазрат Алишер Навоийнинг қиблага юзланиб тургани, қолган барча адибу шоирларнинг сиймолари ҳазратга қаратиб қўйилганида ўзига хос маъно мужассам. Яқин кунларда маърифат бўстонига айланиб улгурган Адиблар хиёбонида Мақсуд Шайхзоданинг ҳам сиймоси қад ростлайди. Мақсуд Шайхзода қаттол тузумнинг ноҳақ ҳукми билан Озарбайжондан ўзбек диёрига сургун қилинган эди. Атоқли ўзбек ижодкорлари уни ўз оғасидай қабул қилдилар. Шу боис бўлса керак, Мақсуд Шайхзода қолган умрини Ўзбекистон билан боғлаб, "Жалолиддин Мангуберди", "Мирзо Улуғбек", "Тошкентнома" каби ўлмас асарлар ёзди. Адабий мероси ва икки халқ орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти муносиб баҳоланиб, давлатимиз томонидан "Буюк хизматлари учун" орденига муносиб кўрилди. Атоқли адиб Мақсуд Шайхзода ҳам ўзбек, ҳам озар халқини боғлаб турувчи кўприк бўлиб қолаверади.

Куни кеча "Ижод" фонди ҳомийлигида "Сўз чамани" лойиҳаси билан Муҳаммад Фузулийнинг ғазаллар китоби янгидан нашр этилди. Китобни устоз шоиримиз Мирзо Кенжабек нашрга тайёрлаган.

"Адабий дўстлик – абадий дўстлик" деганларидек, ўзбек-озар адабий алоқалари тобора ривожланиб бораверади.

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

МИЛЛАТНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Кашфиёт азалдан илм аҳли учун ҳаёт мазмуни саналади. Ҳақиқий, фидойи олим ҳар қандай шароитда ҳам изланади. Аммо бугунги кунда муносиб моддий шароитсиз илм олиш ҳам, кашфиётларни юзага чиқариш ҳам мушкул. «Математика фанининг тамал тошини Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний каби улуғ боболаримиз қўйган. Бу бизнинг қонимизда бор. Лекин охирги йигирма йилда математикадан билим даражаси пасайиб кетди. Чунки ўқитувчиларга керакли эътибор, муносиб ойлик беролмадик, пировард мақсад қўя олмадик. Бунинг оқибати ҳозир кўпдан-кўп соҳаларда сезиляпти. Бугун бу фанни ривожлантиришдан мақсадимиз – математика бўйича рақобат муҳитини яратиш, саноат, муҳандислик йўналишлари бўйича етук кадрлар тайёрлаш», деди давлатимиз раҳбари.

– Бизда илмий тадқиқотлар борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда, – дейди кимё фанлари доктори Қурбонқул Каримқулов. – Чет эл олимларидан ҳеч камчилигимиз йўқ. Тўғри, улар роботлар, автомобиллар, янги технологиялар кашф этишмоқда. Бизнинг олимларимиз олдидаги мақсадлар бошқа. Бу мақсадларга эришилмоқда. Ҳамма нарса – мақсадга боғлиқ.

– Президент барча шароитни яратиб берди, энди биз ўзимизни кўрсатишимиз керак, – дейди Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов журналистларга берган интервьюсида. – Давлатимиз раҳбари соҳага эътибор қаратиб, алоҳида вазирлик сифатида ташкил этилганимизга уч йил бўлди. Биздан нега ишларингиз кўринмаяпти, деб кўп сўрашади. Аввало, суриштирганимизда, "инновация" сўзини нафақат оддий юртдошларимиз, балки олимларимиз ҳам ҳар хил тушуниши маълум бўлди.

МУНОСАБАТ

Мутасадди ва олимларимиз фикрлари ўринли, албатта. Балки катта илмий кашфиётларни биз англаб етмаётгандирмиз. Етарлича баҳолай олмаётгандирмиз. Барибир, бу каби саволларга жавоб топгимиз келади: натижа қани? Атрофимиздаги деярли кўп нарса хорижники-ку? "Юртимизга энг илғор хориж технологиялари келтирилмоқда..." деймиз. Хўш, ўзимизнинг технологиялар-чи? Бизнинг олимларимиз нима қилишяпти? Қани улар кашф қилаётган технологиялар?

Бир гал олий ўқув юртида дарс пайтида талабалардан: "Бугунги кунда юртимиздаги энг машҳур (турли соҳаларда) 10 нафар олимнинг исм-фамилиясини санаб беринг", деб сўрадим. Ажабки, бу савол талабалар учун "қийин вазифа" бўлди, шекилли, ҳеч кимдан сас-садо чиқмади. Шунда савол географиясини анча қисқартириб, институтдаги ўн нафар олимнинг номини айтишни сўрадим. Яна жимлик...

Шундан кейин илм ва олим ҳақида обдон ўқиб, билиб олишимиз зарур бўлган саволларни қуйидагича ёзиб чиқдим: Олим ким? Бугун олим бўлишнинг шартлари қандай? Олимларимизнинг жаҳоншумул кашфиётлари халқаро миқёсда тан олинганми? Амалиётга жорий этилганми? Агар бўлса, улар қандай кашфиётлар? Оламшумул кашфиётлардан қанча иқтисодий даромад олиняпти? Ҳар йили нечта илмий кашфиёт амалиётга жорий этилади? Уларнинг самарадорлиги қандай? Ёшларимиз ўртасида олим бўлишга қизиқиш қай даражада? Уларнинг неча фоизи шу йўлда илмий изланишлар олиб боришмоқда? Бизда илмий янгиликни "юзага" чиқаришнинг шарт-шароит ва имкониятлари қай аҳволда?

Зийрак ёшларнинг кимга ва нимага ҳавас қилишлари – муҳим масала. Ҳавас ҳам кўп ҳолларда турмуш тарзимизни белгилайди.

Давлат раҳбарининг соҳага оид барча жараённи бир жойга жамлаш ғояси билан Инновацион ривожланиш вазирлиги барча шароити бор бинога эга бўлди. Энди олимларимиз учун ишлаб ўзини кўрсатадиган пайт келди. Вазирлик бевосита инновацион ғоялар туғиладиган жойга – Талабалар шаҳарчасига жойлашди. Чунончи, бугун биз илмни қай даражада севамиз? Жамиятда олимларимизнинг мавқеи ва ўрни қандай? Масалан, Россияда машҳур болалар доктори Леонид Рошални кўпчилик билади. Пётр Капица, Сергей Капица, Сергей Велихов, Евгений Чазов, Жорес Алферов каби академикларни фақат зиёлилар эмас, балки кенг омма танийди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналиши ривожлантирилишини айтган эди. Жорий йилда математика ана шулардан бири сифатида белгиланди. Бу халқимизни ҳам, илмий жамоатчиликни ҳам ғоят қувонтирди. Чунки математика юртимизда чуқур тарихий асосга эга ва бугунги кунда тараққиёт учун ғоят долзарб.

Президентимиз таъкидлаганидек, иқтидорли ёшлар онгида: "Ота-онам илмни танлаб кам бўлмади, мен ҳам шу йўлдан бораман", деган хулосани шакллантириш бугун барчамиз учун жуда муҳим саналади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Қамчибек КЕНЖА

ИФОРИГА ТЎЙМАС ДИЛ

ТЎРТЛИКЛАР

Кўп нарса тиладим сендан, дилим-эй,
Сендек маҳрамим йўқ чиндан, дилим-эй.
Хўбларга ошно айладинг, шукр,
Сен ҳам розимисан мендан, дилим-эй?

* * *

Очун тўла уммон, сув қайғусидалар,
Тўфон ғамимас, ичув қайғусидалар.
Еру замин, одам қалбида минг жумбоқ,
Кўкками, қайга... кўчув қайғусидалар.

* * *

Ҳар неки орзу-тилакдин ошди ҳавас,
Ҳар кима жони ҳалакдин ошди ҳавас.
Қўл бесабр, кўз беқарор, нафс бетийиқ,
Еру кўк қолиб, фалакдин ошди ҳавас.

* * *

Хосият кўрдингми ҳеч ғайрлик, маломатдан,
Ғаразинг ўзингга ёв – айирмиш ҳаловатдан.
Неки топдинг – воситанг шикваю арзу доддир,
Бетаъмалар насиби омад ё кароматдан.

* * *

Йўл кўрсатамизу ўз йўлимиз ўзга,
Бергич қўл бўлак, олғир қўлимиз ўзга.
Мижжа четидандир кулгуларимиз,
Дил тубидаги ўнгу сўлимиз ўзга.

* * *

Сидқидилмас – ком эмас, ноком денг,
Қай амалга ишқ бўлмаса, ланж, хом денг.
Сурату сийратда ким хушбахрамас –
Нотугал денг, нисбаси ҳам беном денг.

* * *

Гуллар ифорига дил тўймаса, нетай,
"Ҳай"га кўнмай, муттасил бўйласа, нетай?
Мен-ку, мен ўз ҳолимга минг ризодурман,
Норизолар ҳолимга қўймаса, нетай?

* * *

Сурату сийратинг билганлар айтсин,
Ошингдан бир луқма еганлар айтсин.
Айтсин лафзинг конидан дур терганлар,
Сен дилин ҳақ томон бурганлар айтсин.

* * *

Хоҳи пўрим, хоҳи одми, жанда бўл,
Юзда бўлма, кўнгилдаю жонда бўл.
Ошга тушган пашша эмас, ҳар ерда
Ёд этилиб, кўз тутилган банда бўл.

* * *

Жисму танинг носинашта от ҳоритар,
Дилу жонинг банди бепанд банд оғритар.
Менга пеш келтирмангиз тунд қояларни,
Шукур, соям ўз ҳаддимга етиб ортар.

* * *

Бедардга роз айтма, ҳайрон бўлади,
Алпозидан кўнглинг вайрон бўлади.
Ўзингдек шикаста диллига дил ёр,
Дардманга дардкаш дармон бўлади.

* * *

Қайдаки кун мудраб пинакка кетар,
Олтину марварид пучакка кетар,
Қайдаки айқашдир тадбиру чора,
Гуруч сараланмай курмакка кетар.

* * *

Қалбим сирқиратар ботиб тушларим,
Тумшуқлари қаттиқ ҳаёт қушлари –
Гоҳ елпиб, гоҳ селпиб қанотларида,
Чўқиб-чўқиб ўтар бағир-тўшларим.

* * *

Қалбимни тутгандим, у илҳақ қолди,
Қўлимни узатдим – муаллақ қолди,
Дардим пеш келтирдим – зир титроқ қолди,
Билмадим – ким ҳақу ким ноҳақ қолди.

* * *

Қоғоздан қурси тахлаб, от минган кассан,
От устида басавлату сарбаландсан.
Сенингдек суворийни кўп кўрди дунё,
Эгардан тушган чоғинг хасдан-да пастсан.

* * *

Кимдир ҳақ сўзни ҳам айтмоғи мумкин,
Ё тилин ичига ютмоғи мумкин.
Кўнгил ҳам, ақл ҳам пўлатмас, ахир,
Шу йўсин ахдига етмоғи мумкин.

* * *

Чекма тиконингдан хижолат, эй гул,
Ахир фазилатмас силлиқлик буткул.
Ғуруру иффатинг посбони – хоринг,
Шунчалар эъзознинг боиси ҳам шул.

* * *

Байтимни ўқиб тахрир айламадинг ё,
Розимни уқиб, тадбир айламадинг ё.
Андишаю иштибоҳ қийноғида жон,
Ҳолингни баён – тафсир айламадинг ё.

* * *

Ҳар наҳор умидим – кун мунаввар келгай,
Тушларим хосиятли, бекадар келгай.
Ниятим эмасдир – олтину зар келгай,
Ул бекарамдан карам – хушхабар келгай.

ҚОРОНҒУНИ ЁРИТАДИ ХАЁЛИНГ

Гўзал БЕГИМ

* * *

Қўлларингни қўлларимга қўйсанг эди,
бир ёниқ иффат ила ёнса кафтларим.
Шамолни четга суриб
ўтса эди кулгуларим,
туртиб юбормасайди уни бирорта хаёл.
Узоқларга қараган аёл монанд
қўлларингга қараб турсайди қўлларим,
сўзларингни сўзларимга қўйсанг эди,
булут қўнса,
ёмғир ёнса,
ҳар бир сўзинг қабоғида.
Мен қарасам, кўзларимда ийланмаса
қўрқув деган тўрт томони қора хаёл.
Ҳис узатсам ҳисларимни олиб юрсанг,
сўзларимни сўзларинг деб билсанг эди...

Қанотлар, бахт ва сен ҳақингда шеър

1

Қанотларинг доим
учишга шай турса
икки елкангда,
муттасил учгиси келса уларнинг.
Бу дунёда парвоздан бўлак
неки бор, унутса
бармоқларнинг қисирлаши монанд,
унутса
сен келар йўлларнинг ғичирлашини.
Қоронғуда сурган хаёлларини
ёруғликдан яширган аёлдай
яширсанг
жазавага тушган сукунатингни.
Қанотларинг эса
юрагингга тегиб
парвозга шайланса муттасил!

2

"Мен бахтлиман" дейишинг учун
бахтни ушлаб кўрмоқлик шартдир.
Ҳеч қурса, бир оқшом
тонг оттирмоқ керак бахт билан.
Унинг пар-пар этакларига
қўлингни тортинмай узатмоғинг шарт.
Бахтли бўлолмаган қўлларингга
уқтириш керакдир бахт дарсларини.
"Мен бахтлиман" демоқлик учун
ҳечқурса
кўзёшларингни
ҳеч кимга кўрсатмай
артмоғинг керак.

3

Боши берк кўчада туйғулар
бошларини ушлаб ўтирса,
калта юбка кийган қизалоқ монанд
эгилишга ҳаё қилса ҳисларинг
ва ортга қаролмай
бир боғ атиргулни қўйиб юборса,
тунбўйи деразанг ортида юрса
сархуш шамол
ҳамда
бир боғ атиргул...

4

Сувга чўкиб кетган ҳисларни
қутқариб қоласан ғаввосдай.
Аюҳаннос соласан томирларингга
бахт алмаштириб кияди либосларини,
қанотлар
қанотлигига бориб учади.
Сенинг эса
қўлларингга тегиб кетади
атиргул юзидаги
шабнамлар.

* * *

Сен кўринмаган кун қоп-қора,
баҳорга ўхшамас келаётган фасл.
Ўрни ўзгарган ҳамма нарсанинг
титраётган юрак –
титранч хўрсиниш.
Сен кўринмаган кун қайғудек қора,
судраб олиб кириб бўлмас шодликни.
Юрак тирқишида булутлар ғуж-ғуж
ва
сен
сен
нафасранг қоя.

* * *

Сен жуда олисдасан
қўлларимни узатиб кўраман
бу дўнгликларга,
овозимни баралла қўйиб қичқираман
"кел, ёнимга кел"
яна ва яна
талаффуз этаман исмингни
йиғига қўшиб
бақираман,
чақираман.
Қисмат кўйлагини кийиб бошимга –
қулоғи батангга келар қисматнинг,
қараб қўяр умидимнинг ўнгу сўлига.
Сен эса жуда олисдасан
эшита олмайсан юрагимни,
даволай олмайсан
овозимнинг яраларини.
Олисдасан сен
қоронғу
булутли
олисда.

ДЕКАБРЬ

Йўллар сирпанади олисда,
Менинг оёғимни кўрмасдан.
Тамакидай қуёш лабимда
Тутаб ётар нурга дўнмасдан.

Кафтларимни очиб кўраман,
Бекитаман қайтадан маҳкам.
Униб чиқар қароқларимда
Декабрда эриган шабнам.

Кипригимда совуқ гул очар,
Муз гулларни ҳидлайман, оғрик –
Умидимнинг баланд томидан
Йиқилгиси келмаган тортиқ.

На совуққа, на қаҳратонга
Бош эгмайди, ўжар қувончим.
Қўлим баланд кўтарилмасдан
Декабрь, мен сенга ишондим.

Сирпанади йўллар олисда,
Ўхшаб кетар силкинган қизга.
Қиё қараб ўтяпман, жимман,
Томиримда чатнаган изга.

ЁЗУВЧИ

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Бир марта юрак хуружини енгиб ўтган ёзувчини авайлашарди, аммо у саратоннинг қоқ ўртасида саратондан вафот этди. Ўшанда касалхонада унинг ёнида ҳамширадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳамшира ҳартугул, адибни танир, ҳикояларини ўқиган, шу сабабдан бошқа беморлардан кўра унинг ёнида кўпроқ бўлар, оғзидан бирор сўз чиқармикин, деб ҳалак эди.

– Аёлингиз келди, ичкарига кирсинми? – унга берган охирги саволи шу бўлди.

Адиб бошини сарак-сарак қилди. Аммо эшиқдан кўзларини узмади.

Фарзандлари етиб келганида у аллақачон вафот этганди. Оиласи кўп куйинди: у нафақат ёзувчи, балки ота сифатида ҳам меҳр қозонишга улгурганди.

Адибнинг мармарга ўйиб ишланган бюсти илиқ тупроқ узра оғриқлардан халос бўлганидан мамнундек жилмайиб турарди. Ёзувчининг қабрини кунда, кунора мухлислари зиёрат қилиб турарди.

Бир куни қабр ёнида бир талай мактублар пайдо бўлди.

– Сизга ёзган, аммо жўнатмаган мактубларим, — деди уларни олиб келган аёл хўрсиниб.

Марҳумнинг ортидан ўлиб бўлмайди. Кунлар ўтиб ёзувчининг мухлислари бошқа муаллифларнинг китобларини ўқий бошлашди, йил ўтиб оиласи ҳам ўз орзу-ташвишлари билан бўлиб, бинойидек яшаб кетди. Фақат ўша аёл унинг қабрини ҳар куни зиёрат қилиш, ҳақига дуо ўқишни канда қилмади. Қўлидан унинг китоблари тушмас, ёзган асарларини ёд биларди.

Ёзувчи таваллудининг олтмиш йиллиги муҳташам залда ўтказилди. Адиб бу ерга кўп келган: бошида тўгаракларга ҳаваскор сифатида қатнади, сўнг иқтидорли қаламкашга айланди, йиллар ўтиб илк китобининг тақдимоти ҳам шу ерда ўтди. Аммо кейинчалик у танилишга, олқишларга, обрўга қизиқмай қўйди. Адабий муҳитдан узоқроқда хотиржам ижодини давом эттирди. Ёлғизликда ёзган асарлари одамлар меҳрини қозонди. Унга олис-яқиндан хатлар кела бошлади. Хатлар ичида уни янги асар ёзишга ундаганлари талайгина эди, аммо хатлар эгалари орасида ичида биттаси азиз эди.

…Бугун мухлисларнинг мактубларини олиб келган адибнинг рафиқаси сўз беришларини ҳаяжон билан кутяпти. Катта зал машҳур ёзувчию шоирлар, раҳматли эрининг мухлислари, шогирдлари билан гавжум, фарзандлари ҳам олд қаторда оталарини ёдга олаётган ижод аҳлининг эътиборидан мамнун, фахрланиб ўтиришарди.

– Раҳматли турмуш ўртоғим адабиёт учун ҳаётини бағишлаган эди, — дея адибнинг рафиқаси газеталарда босиладиган интервюлардаги ёд бўлиб кетган жумлаларни такрорлай бошлади. — Оиласига ғамхўр эди. Кечаларни тонгга улаб ёзган романларини бугун халқ севиб ўқимоқда. Ҳа, мен ҳамиша ёнларида бўлардим. Китобларини дастлаб ўзим ўқиб чиқардим, ютуқ ва камчиликларини айтардим. Ҳозир ҳам кутубхоналарига қўл теккизганим йўқ, қўлёзмалари шундоқ иш столида турибди, гўё бир кун эшикни очиб кириб келадигандек, тугалланмаган ҳикоясини якунлаб қўядигандек туюлади менга…

Шундан сўнг аёл мухлисларнинг хатларидан парчалар ўқиб берди. Қарсаклар янграгач, кўзларига ёш олиб жойига қайтди. Қанийди, шу эътибор, шу обрў тириклигида бўлганида, хаёл қилди у, яхши яшаган бўлармидик!..

Бир пайт эшик ёнидаги ўриндиқда ўтирган ғамгин аёлга кўзи тушди. Аёл шу заҳоти унга тикилиб қараб турган кўзларини яшириб, рўмоли билан юзининг ярмини ёпгандек бўлди. Адибнинг рафиқаси қизаринди. Юрагининг бир чети увушди. Қўлидаги хатларни қаттиқ сиқа бошлади. Иккинчи гал қарагандa ўриндиқда ҳеч ким йўқ эди. У бир оз тин олиб, яна хотира кечасини кузатишда давом этди. Кузатаркан, хаётининг бир қисми кўз ўнгидан ўтди.

* * *

– Бу ёзганларингиздан бир тийин ҳам фойда йўқ! – аёл жаҳл билан тунги қораламалар устига тап этиб урди. — Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб уй солсам, машина олсам, хотинимни чет элларга обориб айлантирсам демайсиз! Билганингиз фақат китоб, ёзганингиз фақат китоб!

У ихчам кутубхонага қараб қўлини бигиз қилди:

– Ош-нон бўладими булар? Ҳатто шогирдингиз ҳам бугун давраларнинг тўрида ўтирибди шеър ўқиб!

– У шогирдим эмас, — бепарво жавоб қайтарди адиб.

– Уйимизга келганмиди, китобига сўзбоши ёздириб кетганмиди? Биринчи китоби чиққанмиди ўша ерда? Мана, энди сизни чангида қолдириб кетдими?

– Омадини берсин.

– Сиз ҳам нега дача олмайсиз, нега навбатда туриб уй олмайсиз?! Ёзувчиларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб қолмайсизми? Битта шеър ёзиб, қиммат мошинли бўляпти одамлар. Нечта китоб ёздингиз шу чоққача? Еттита! – эрининг жавобини кутмай яна шанғиллашда давом этди у. – Нечтаси чиқди? Иккита, холос! Гонорар олдингизми шунга? Йўқ! Нима эмиш, пул учун ёзмайманмиш! Нима кераги бор унда, бу китобларнинг? Ишлаётган газетангиз кошки тузукроқ ойлик тўласа.

Адиб бу гапларни тинглаш ўрнига бош қашиб, қоғозга ёзган жумлаларни ўчириб, қайта ёзишга киришди.

– Жим тур озроқ. Якунлаб олай.

– Аввал саволларимга жавоб беринг!

У ноилож бошини қоғоздан кўтарди:

– Мен уй олиш, машина миниш учун ёзмайман. Сен барибир тушунмайсан. Агар шу мақсадда ёзганимда… йўқ, тасаввур қилиш қийин буни. Данғиллама ҳовлию, машина керак десанг, эртагаёқ хорижга кетаман. Учтўрт йил мардикорлик қилиб, топиб келаман шу пулни. Лекин зинҳор, айтиб қўяй, зинҳор сатрларидан мой оқиб турган унака асарлар ёзмайман, тушундингми мени!

Эрининг аҳён-аҳён чиқиб турадиган жаҳли аланга олаётганини сезган хотин индамади. Бир галги юрак оғриғи уни чўчитиб қўйганди. Ахир, фарзандлари ҳали ёш… Эри ҳали бардам, вақти келса бўлар данғиллама уй ҳам. У қўлидаги сочиқни бир силтаб ошхонага кириб кетди.

Адиб ўша оқшом ухлолмади. Ёзолмади ҳам. У хабар кутарди. Шу хабарлар унга илҳом бағишлаб тургани учун айни пайтда, унга жудаям зарур эди. Онда-сонда келадиган бу хатларга адиб ҳеч қачон жавоб ёзмаган. Шундай бўлса-да, хабар келаверарди. Айни зарур, айни муҳтож пайтида янги хат ҳар галгидек умид чироғидек порлаб турарди.

"Азиз адибим!

Сизнинг "Тирик одам" номли ҳикоянгизни яқинда журналда ўқиб қолдим. У юрагимга малҳам бўлди. Мендаги иккита китобингизда бу ҳикоя йўқ эди. Қўлимдаги китобингиз бир бўлдию, янги ҳикоянгиз бир бўлди. Романга тенг ҳикоя! Бош қаҳрамонда худди ўзимни кўрдим. Биласизми, мен ҳам атрофга боқиб тирик одамлар бормикин, деб кузатаман. Кўпинча тополмайман. Ҳаммасининг қалби сўнганга ўхшайди. Сизнинг тирик одам эканингизга шубҳам йўқ. Сиз билан сира гаплашмаган бўлсам-да, аммо энг яқин дўстимсиз. Илтимос, яна шундай ҳаётбахш ҳикоялар ёзишда давом этинг. Сизга бу йўлда чидам, омад тилайман. Ҳурмат билан О."

Ёзувчи "Тирик одам" ҳақида эслади. Кўп марта рад этилган бўлса-да, ниҳоят босилди. Уни ёзгунча бир ҳафта ишга боролмай, хонасидан чиқмагани, эвазига хайфсан олгани, хотини эса болаларни эргаштириб уйдан кетиб қолганини эслади. Уларда айб йўқ. Нима қилишсин, газетага ҳар ҳафта мақола, бола-чақасига эса эътибор керак. Ахир, улар ҳам тирик одам…

Ниҳоят, у галдаги мактубга жавоб ёзишга қарор қилди.

"Азиз О!

Мактубларингизни доим ўқийман. Улар менга ижодий рағбат бағишлайди. Баъзан ёзишни ташлайман дейману, сиздан "янги ҳикоялар кутяпман" деган хабарингиз келиб қолади. Яна ёзгим келади…"

У хатга ўй-хаёлларини, изтиробларини қўшиб битди. Енгил тортаётганини, ғамлари кўнглидан ариётганини ҳис қилиб битди. Мактубни жўнатганида тонг оқариб қолганди. Кўзларини юмиб бир лаҳза тин олгач, почтасида янги хабарни кўрди. Мактублар мактубларга уланди...

ҲИКОЯ

Бир куни адибнинг рафиқаси унинг иш столининг чангини артаркан, очиқ қолган компьютер почтасида "тинг" этиб келган янги хабарга кўзи тушди. Бир талай электрон хатлар асосан бир одам – О.дан келган эди.

"Азиз ёзувчим!

Янги романингизни қисқа тафсилотини жўнатибсиз. Биласизми, менда бош қаҳрамон – аёлнинг ўтмиши борасида эътироз пайдо бўлди. Аввало, турмуш ўртоғи вафот этиб, китобларга боғланиб қолган бу аёлни жуда чиройли ва ҳурлиқодек тасвирлаяпсиз. Менингча, ғамхўр одамидан айрилган аёл сўниб боради, айниқса, кун бўйи китоблар билан сирлашиб ўтирса. Гул-гул яшнамайди. Уни ёқтириб қолган эркак эса биринчи навбатда суратига эмас, сийратига ошиқ бўлиши лозим. Бир кўришдаги муҳаббатга ишониб бўлмас. Бу борада ўйлаб кўринг. Истасангиз, аёлнинг руҳий ҳолатини чизишда сизга кўмак бераман. Айтганча, мен сиз қатнайдиган кутубхонада ишлайман. Сизни бу ерда кўп кўрганман, балки мени танимассиз. Бу сафар ўзимни таниб, янги асарингиз борасида кўмаклашаман. Фикрларимни эътиборсиз қолдирмаганингиз учун раҳмат. Ҳурмат билан О".

Аёл бу хабарни ўчириб юборди. Сўнг бамайлихотир ошхонага ўтиб, хаёлчан тарзда овқатланаётган эрига боқди. Аввалгидек тушкун эмас, кўзлари порлаб қолганди. Демак, сабаби аён.

– Мен бирров опамникига ўтиб келаман.

– Тинчликми? – сўради эри.

– Ҳа, бироз тоби йўқ экан.

Аёл кўчага чиқди: эрининг доимий борадиган кутубхонаси шу атрофда эди. Дам олиш куни бино ишламасди. Аммо коровулдан О. исмли ходимларни суриштирди, ўзи биттагина Омина исмли аёл ишларкан бу ерда. Коровул ҳам анча зериккан экан, аёлнинг барча саволларига эринмай жавоб бера қолди: Оминанинг эри ўлгани, кўп йиллардан бери шу ерда ишлаши, боласи ҳам йўқлиги, кўп китоб ўқишини, ҳатто тушликда доим нима ейишигача айтиб берди.

Эртасига кутубхона эшиги очилиши билан китобхонларга хизмат кўрсатаётган Омина қаршисида унга нафрат билан қараб турган аёлни кўриб чўчиб кетди:

– Ё бугуноқ ишдан бўшаб, эримга хат ёзишни тўхтатасан, ёки хозироқ дод солиб шармандангни чиқараман!

Аёл титраб атрофга боқди: залда китобхонлар гавжум, нарироқда кутубхона директори ходимларга нимадир демоқда, бир тарафда ҳамкасб аёллар қўли қўлига тегмай боягина келган янги китобларни жойлаштиряпти. Кичкина жуссаси янада кичрайиб кетди ва зўрға:

– Хўп, – деб пичирлади.

– Эртага бу ерда қорангни кўрмай, эримга ҳам кўз олайтирма, — аёл вишиллаганча у томон энгашди. Сўнг мағрурлик билан зални тарк этди.

Чиндан ҳам О. кутубхонадан бўшаб кетди. Ёзувчи эса яна аввалги ҳолига қайтди: тушкун ва эзгин. Аёл эрини ўзиники бўлиб қолганидан қувонди. Анчадан сўнг унинг янги романи чоп этилди. Унинг илк саҳифасида "Қадрли дўстим О.га бағишлайман" деган сатрни ўқигач, аёлнинг феъли бузилди. Эри эса буни изоҳлаб ўтирмади. Савол назари билан қараб турган аёлига қараб хўрсиниб қўйди, холос.

Қизиқ, О. бу китобни олиб ўқиганмикин?

* * *

Ўтмиш хаёллари якунига етганда хотира кечаси ҳам тугаб қолганди. Адибнинг рафиқаси ва фарзандларини ҳурмат билан кузатиб қўйишди. Ёзувчининг портрети илинган девордан ҳадемай бошқа ижодкорнинг сурати жой олади. Гулдурос қарсаклар, баландпарвоз сўзлар, қўлма-қўл бўлган китоблар аро фақат биргина – тадбирни деразадан кузатаётган кичик жуссали аёл ўзини жуда ғамгин ҳис этди. У бинони тарк этаркан, ортига яна бир назар ташлади.

"Азиз адибим!

Менингча, бу ерда тирик одам йўқ. Яна ким билсин…" – пичирлади у ва қўлидаги ўқилавериб титилиб кетган китобини бағрига босганча метрога тушиб кетди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан академик Акмал Саидовнинг "Қиёсий адабиётшуносликка кириш" китоби нашрдан чиқарилди.

Камина мутахассис сифатида Акмал Саидовнинг адабиёт илмига оид мақолалари ва рисолаларини мунтазам ўқиб келаман, улар ҳақида матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирганман. Олимнинг, айниқса, Данте, Шекспир, Гёте, Ж.Жойс, Ф.Кафка, У.Фолкнер, Ф.Достоевский, Ч.Айтматов сингари машҳур адиблар меросига бағишланган рисолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб келганига гувоҳман.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

ТАҚРИЗ

2012 йилнинг ёзи эди, олим қўнғироқ қилиб мендан жаҳон адабиёти салафлари ижоди ҳақида ёзаётган мақолаларим манзурми, дея сўради. Мен эса жавобан: "Сиз ҳуқуқ ва адабиёт: уларнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсирини ёритиб бераяпсиз. Бу билан ҳали ўзбек адабиётшунослигида очилмаган қўриқ, яъни "ҳуқуқ ва адабиёт – мустақил илмий-адабий-ҳуқуқий йўналиш" эканлигини исботлаяпсиз", дедим. Фикрим маъқул бўлди чоғи, у киши: "Ундай бўлса, "Француз юрист адиблари" деган бир китоб тайёрлагандим, уни кўриб чиқиб, масъул муҳаррир бўлсангиз", деди. Қарийб 600 саҳифали китоб қўлёзмасини ўқиб, таҳрирдан ўтказдим. "Янги аср авлоди" нашриётида китоб 5000 нусхада босилиб чиқди. Китоб аннотациясида айтилганидек, "ҳуқуқшунослар, ўқувчилар, талабалар, шунингдек, француз адабиёти ва ҳуқуқига қизиқувчиларга манзур бўлди", шекилли, тезда сотилиб кетди.

А.Саидовнинг қўлимиздаги "Қиёсий адабиётшуносликка кириш" китоби ҳам катта меҳнат эвазига дунёга келган ўқув қўлланма сирасига киради. Китобнинг сўзбошисида муаллиф таъкидлаганидек, "қиёсий адабиётшунослик, бадиий асарларни қиёсан ўрганиш методологияси ва тамойиллари борасида ўзбек адабиётшунослигида ҳали дарслик яратилмаган, ўқув қўлланмалар етарли эмас". Шундай экан, ушбу китоб ҳам бу борада янги қўлланма сифатида муҳимдир.

Китоб икки бўлимдан иборат: Ғарб адабиёти ва Шарқ адабиёти. Муаллиф унга "Қиёсий адабиётшунослик нима?" мавзусида сўзбоши ёзган. Сўзбошида қиёсий адабиётшунослик илмининг мазмуни ва мундарижаси хусусида сўз юритиб, қуйидагича таъриф беради: "Қиёсий адабиётшунослик – адабиёт тарихининг халқаро адабий алоқалар ва муносабатларни, турли мамлакатлардаги адабий-бадиий воқеа-ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганувчи мустақил йўналишдир". Ушбу китобдан жой олган эссе ва мақолалар мисолида қиёсий адабиётшуносликни қуйидагича таснифлаш, назаримизда, янада тушунарли бўлади, деб ёзади муаллиф. "Биринчи йўналиш – битта давлат ҳудудида яратилган адабий-бадиий асарларни қиёсий ўрганишдан иборат бўлиб, бу йўналиш қиёсий адабиётшуносликнинг пойдевори ҳисобланади. Иккинчи йўналиш – муайян бир минтақага мансуб адабий-бадиий асарларни қиёсий ўрганишни кўзда тутади. Учинчи йўналиш – Шарқ ва Ғарб адабиётини ўзаро қиёсий ўрганиш бўлиб, бу глобал қиёсий адабиётшунослик демакдир". Муаллиф қиёсий адабиётшунослик илмининг мазмун-мундарижасини тўғри изоҳлаган.

Китобнинг "Ғарб адабиётшунослиги" бобида француз адабиёти классиклари А.Камю, А.Маалуф, А.Моруа, А. де Сент-Экзюпери, В.Гюго, Ж.Мольер, Жан де Лафонтен, Руссо, Бальзак, П.Мериме ижоди ва асарлари таҳлил қилинади. Бобда, назаримизда, хронологик тартиб бузилган. Аслида ушбу боб француз классицизм адабиёти вакиллари Мольер ва Лафонтен ижоди билан бошланиб, XX аср романистлари ижоди билан якун топса маъқул бўларди. Иккинчи боб тўлиғича итальян шоири Данте ҳаёти ва ижодига бағишланган, адиб мероси хусусида ўқувчиларга кенг тушунча берилган. Бизнингча, бобга Данте замондошлари машҳур "Декамерон" асари муаллифи Бокаччо ва сонет жанри "ота"си Петрарка ижоди таърифи ҳам киритилганда нур устига нур бўларди.

Немис адабиётига бағишланган учинчи боб мундарижаси бир мунча кенг ёритилган, унда хронологик тартибга риоя қилинган. Немис адабиёти классиклари ҳақидаги эсселар орасида Гёте, Нитсше, Ҳофман, Ҳ.Ҳессе меросига бағишланганлари теран мазмунга эга.

Китобнинг кейинги боблари Австрия ва Швейцария мамлакатлари адабиётига бағишланган бўлиб, улар қисқа шарҳ мазмунига эгадир. Инглиз адабиётига бағишланган олтинчи боб тўлалигича Уильям Шекспир ижодига бағишланган. Ушбу бобни буюк Шекспир ҳақида рисола, десак ҳам бўлади. Унда ўқувчи драматург ҳаёти ва ижоди билан чуқур танишади. Адибнинг комедия, трагедия, сонет яратишдаги маҳорати ва асарларининг ўзбек тилига таржималари хусусида тўлиқ маълумот олади. Еттинчи боб эса анча мукаммал ёзилган. У тўлиғича машҳур ирланд адиби Жеймс Жойс ижодига бағишланган. Бобда профессор Акмал Саидовнинг Жеймс Жойс ижодини чуқур билиши, "Улисс" романи матнини теран англаган ҳолда таҳлил қилгани яққол сезилиб туради. Акмал Саидовнинг Жеймс Жойсга бағишланган эссе ва мақолаларида ҳам адиб ижоднинг теран мазмун ва моҳияти ечимини кузатамиз.

Рус адабиётига бағишланган бобда И.Бунин, Н.Кун, Ф.Достоевский ижоди хусусида сўз юритилади. "Чехия адабиёти" деб номланган боб тўлиғича Франц Кафка ижодига бағишланган. Муаллиф Кафка ҳақида ўзи ёзган рисола ва мақолаларини тўлалигича киритган. Кафка ижоди талқини ва тадқиқи ўқувчига кенг билим беради. Фақат бир мунозарали масалани айтиб ўтиш лозим. Одатда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда Кафкани немис адабиёти, Австрия немисзабон адабиёти вакили сифатида таърифлашади. Негадир А.Саидов адибни чех адабиёти вакили деб айтган. Тўғри, Кафка Чехияда яшаган, яҳудий миллатига мансуб, асарларини немис тилида ёзган. Шундай экан, у немисзабон ёзувчи эмасми? Уни чех ёзувчиси дейиш қанчалик тўғри?

Китобнинг АҚШ адабиётига бағишланган қисмида Э.По, Э.Хемингуэй, У.Фолкнер ижодига кенг тўхталинган. Боб сўнгида муаллиф ўзининг "Замонавий Америка романнавислигида янги номлар" мақоласини ҳам илова қилган. Унда В.Ирвинг, М.Твен, Г.Жеймс, Э.Хемингуэй, Ж.Стейнбек, Ф.Брет Гарт каби XIX — XX асрларда яшаб ижод қилган адиблар ижоди таҳлил қилинади.

"Лотин Америкаси адабиёти" бобидаги "Фусункор адабиёт уммонидан қатралар" мақоласида муаллиф Лотин Америкаси ҳудудига кирувчи 33 мамлакатда ижод қилаётган адиблар ва адабиётларга кенг таъриф бериб ўтади. "Фусункор" ёки "сеҳрли реализм" дея номланган адабий жараён хусусида сўз юритаркан, муаллиф Борхес, Х.Кортасар, Х.Ареола, М.В.Льоса, Г.Маркес каби машҳур адиблар ижодини кенг таҳлил қилиб беради.

Дарслик-хрестоматиянинг иккинчи бўлимида хорижий Шарқ адабиёти (Лао Шэ), япон адабиёти (Кобо Абэ), Жанубий Корея адабиёти (Ли Мун Ель) ҳақида маълумот бериб ўтилади. "Форс адабиёти"га бағишланган бобда муаллиф Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига кенгроқ тўхталган, ҳамда улар ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихи ва асарларининг таржималари ҳақида маълумот берган.

Хулоса қилиб айтганда, Акмал Саидовнинг "Қиёсий адабиётшуносликка кириш" китоби, аввало, республикамиз олий ўқув юртларининг хорижий филология факультетларида таълим олаётган талабалар учун "Жаҳон адабиёти тарихи" ва "Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти" фанларидан қўлланма сифатида жуда зарурдир.

Энди китобга ном бериш борасидаги муаллиф ва масъул муҳаррир фикрлари хусусида икки оғиз гап. Муаллиф китобнинг сўзбошисида ёзганидек, "Китобга мақбул ном танлашнинг юқи – ўша китобни ёзиш машаққати ва масъулиятидан асло кам эмас. Чунки бунда қаноқли сўзлар билан бутун бошли китобнинг мазмун-мундарижасини ва муаммоларнинг мақсад-муддаосини акс эттириш талаб этилади". Бу ҳақиқат. Шу боис, муаллиф китобнинг мазмуни ва замон талабидан келиб чиқиб, уни "Қиёсий адабиётшуносликка кириш", деб номлаган. Масъул муҳаррир, профессор Баҳодир Каримов эса, "Жаҳон адабиёти: шахслар ва шарҳлар" дея номлашни таклиф қилган. Бу ном мантиқан ва мазмунан тўғридек кўринади. Мен эса, уни "Жаҳон адабиёти: эсселар ва мақолалар" деб номлаган бўлардим. Бироқ ҳар қандай асар муаллиф фарзанди. Шундай экан, унга қандай ном бериш муаллифнинг ҳоҳишига боғлиқ.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

НАЗМ ВА НАСР ЧЕГАРАСИДА

XX аср дунё адабиётида мавжуд назарий қолипларни, шу қолипларга мослашган тасаввурларни, умуман, сўзга, бадииятга бўлган қарашларни янгилаш, ифода ва тасвирда тўлақонли эркинликка эришиш учун ақл бовар қилмас адабий тажрибалар, янгиликлар қилинганки, бу саъй-ҳаракатлар кейинчалик жаҳон адабиётининг янги йўналишлари, янги қирраларини ва янги мақомини белгилаб берган. Айнан шунинг учун ҳам янги давр адабиётида бадиият ва эстетиканинг асосларига таянган ҳолда қилинган ҳар қандай эксперимент барча санъат турларида, хусусан, сўз санъатида ҳам истеъдод қўламини белгиловчи мезонлардан бири сифатида эътироф этилади. Бу хил изланишлар миллий адабиётимизда ҳам юз бераётгани қувонарли ҳол.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Шоира Ойдиннисонинг "Афв" достони (Тошкент, "Машҳурпресс", 2019) наср билан назм унсурларини яхлит шакл, яхлит мазмунда акс эттиришни, бу икки жанрнинг бошини қовуштиришни, Ғарб адабиётшунослари таъбири билан айтганда, "назм билан наср ўртасидаги шаклий, жанрий фарқни йўққа чиқаришни" мақсад қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган замонавий адабиётимиздаги ўзига хос тажрибалардан бири-дир. Асар нафақат бош қаҳрамон – ровийнинг маҳбуслик ва эркин ҳаёт Чегарасидаги кечинмаларини, балки назм ва наср бир-бирига бош урган Сарҳадда – шеърга хос ритмика, насрга хос сюжет, назмий интонация, насрий стилистика, поэтик семантика, насрий лингвистика, назмий ўйноқилик, насрий вазминлик, назмий мажоз, насрий қамров Чегарасида ёзилгани билан ҳам адабий дидимиз кўникиб қолган анъанавий достонлардан фарқ қилади. Айнан шу фазилатларига кўра достонни ҳам мазмунан, ҳам шаклан янги адабий изланишлар уфқидан дарак бераётган достон, деб бемалол айтиш мумкин. Аслида верлибрда достон ёзиш янгилик ҳам эмас. Бодлеру Уитмендан бошланган бу шакл юз эллик йил давомида дунё ҳамда миллий шеъриятимизда ўзини тўла оқлаб бўлган. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Фахриёр ижодида верлибр миллий поэтик жанр сифатида аллақачон ўз ўрнини топган. "Афв" эса назмга қовуштириш қийин бўлган наср имкониятларини верлибрда бирлаштира олгани билан аҳамиятлидир. Эркин вазн достонга оҳанг, ритмика, метафора, лўндалик, образлилик, насрга хос хусусиятлар эса драматизм ва ҳаётийлик бағишлай олган. Биринчи қарашда сатрларда насрга хос дағаллик, фразеологик конструкция, ифода усули – насрий стилистика сезилиб туради. Лекин бу ўткинчи таассурот: достон ичига кириб борган сари насрий фразеалогизм верлибр ритмикасига, интонациясига, оҳангига туша бошлайдики, оқибатда "насрий дағаллик" асарнинг умумоҳанги билан уйғунлашиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мавзуси, объекти, қаҳрамонларига кўра ҳам достон миллий адабиётимиз учун янги объект, янги қаҳрамон, янги мавзуки, шу жиҳати билан муаллифни бу ўзига хослиги билан табриклаш керак. Гап шундаки, достон ҳали миллий адабиётимиз мурожаат қилмаган ҳар қандай жамиятнинг, айниқса, XXI асрнинг энг оғриқли, энг аянчли манзараси – маҳбус аёллар, бошқача айтганда, расмий маҳкумалар – аёллар қамоқхонасидаги воқеликни акс эттирган. Асар сюжети ҳудди насрга ўхшаб, ўғлининг ҳимояси учун одам ўлдириб, ўн йил озодликдан маҳрум қилинган, озод бўлишига саноқли соатлар қолган аёлнинг ички монологига қурилган: маҳбуслик ва маҳкумликка кўникиб қолган аёл озодлик ва қамоқ чегарасида туриб, ўзининг ва бошқа маҳкумаларнинг қисматига назар солади, озодлик билан маҳкумликни қиёслайди, шу орқали бугунги кунда барча жамиятларнинг энг долзарб муаммолари, айтиш мумкинки, ҳар қандай тузум ва сиёсатнинг асл қиёфасини – манзарасини кафтдагидай кўрсатиб, фош қилиб қўядиган аёл шаъни, қадр-қиммати, умуман, унинг эрки ва эрксизлиги ҳақидаги хулосаларини ўртага ташлайди. Биз достон давомида ўз қариндошлари томонидан товламачиликда айбланган, аслида бегуноҳ Лола, нима учун қамалганини ўзи ҳам билмай маҳкумликка кўникиб яшаётган Шойиста, қаҳри қаттиқ, кўнгли тош, ҳали ҳам аёллик орзулари, латофат тарк этмаган Лоланинг тушини сотиб олмоқчи бўлган, бироқ ўзининг бу тушларга муносиб эмаслигини сезиб ақлдан озган Санам, тақдирга қасдлашиб ўғрилик йўлини танлаган Доно, тузалмас касалга йўлиққан ёш келинчакни аянчли азобдан қутқариш учун атайлаб операция қилиб қамалган Шарифа доктор, тўрт боласини боқиш учун контрабанда билан шуғулланишга мажбур бўлган Аёл билан танишамиз. Бу маҳкумаларнинг ҳар бири ўз қисматига, ўз дардига, ўз ҳақиқатига эга. Улар маҳкума, барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинган, уларнинг қисматида аёлга хос ожизлик ва буюклик, аёлга хос гўзаллик ва латофат, аёлга хос нафрат ва куч-қудрат бирлашиб кетган. Бу маҳкумалар қисмати орқали достонда давримизнинг маънавий манзаралари, маънавий фожеалари, муаммолари муҳокама қилинади. Аёл қалби билан даврнинг инсонга, аёлга муносабати, умуман, маънавий дунёмиз тўқнаш келади. Бу аёлларнинг маҳкумалиги фақат ўзлари учун фожеа, ўзлари учун сабоқ эмас, балки замондошлари учун ҳам маънавий сабоқ сифатида талқин этилади. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўз тақдири, дарди, оғриғи, шу билан бирга ёниб битган қисмат қули остида қолган, ҳали ўчмаган бир чимдим чўғдай ҳаётга, одамларга ишонч ҳам бор. Бу умид ровий аёл кечинмалари, табиийки, унинг қисмати орқали типиклашади: алал-оқибат ҳатто ўз боласи ҳам юз ўгирган бош қаҳрамонни – ўн йил қамоқда ўтирган, ҳамма эсдан чиқарган аёлни бир пайтлар она ўрнида меҳрини берган ўқувчиси кутиб туради. Бу ҳолат достонга, умуман, маҳкумлик манзарасига ўзига хос ёруғлик бағишлайди – аёл маҳкума аёлларнинг умиди сифатида намоён бўлади.

Айбсиз айбдорларни авф этиш – бу жамиятни, адолатни кўзгуга солишдай гап. Аммо масаланинг маънавий томони бор. Асар бизнинг олдимизга "Ким афв сўраши керак?! Қисматнинг шу аччиқ йўлагига келиб қолган, пешоналарига маҳкумлик тамғаси босилган аёлларми ёки бегуноҳ аёлга гуноҳ тамғасини осган, айбсиз айбдор қилганларми?!" деган саволни ҳам кўндаланг қўяяпти. Бу саволга адолатли жавоб топиш ҳар бир жамият учун ҳам, ҳар бир замондош учун ҳам муҳимки, асар шунинг учун ҳам "Афв" деб номланган.

Шу маънода "Афв" достонини воқеликни постмодернистик нигоҳ билан таҳлил қилган, назм ва наср жанрларини уйғунлаштириш борасидаги ўзини оқлаган, ҳам бадиий тажриба, ҳам бугунги куннинг долзарб муаммосига муносабат билдирган, бошқалардан ҳам муносабат талаб қилган ижтимоий юкли асар сифатида замонавий адабиётимизнинг ўзига хос воқеаси, деб айтиш мумкин. Умуман, адабиёт ана шундай жасоратли тажрибалар, услуб ва усуллар, воқеликка фаол муносабат билан ранг-баранглашади, бойийди, тараққий этади.

Назар ЭШОНҚУЛ

ҚАЗО БЎЛГАН НАМОЗ

Таниқли адиб Ҳуршид Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози» ҳикояси ўтган асрнинг йигирманчи йилларида яшаган андижонлик машҳур тадбиркор ҳақида. Ёзувчи сарлавҳа остидан "тарихдан ҳикоялар", деган изоҳ орқали бунга ишора қилган. Муаллиф бу асарида реал тарихий образлар, воқеалар, тарихий-миллий характерлар яратиш билан бирга мустамлакачиларнинг ҳам бир нечта образини яратади.

БИР АСАР ТАЛҚИНИ

Асар қаҳрамони Миркомилбой доимий таъқиб остида яшайди. Бироқ бу таъқиб очиқ эмас, махфий. Шу билан бирга иккиёқлама. Бир томондан, уни чор мустамлакачи амалдорлари таъқиб этсалар, бошқа ёқдан ўз миллатдошлари таъқиб этадилар. Ёзувчи бу билан умуммиллий характерга хос салбий жиҳатларни Миркомилбой шахсига бўлган муносабатлар орқали миллатнинг ўзлигини емирадиган катта хавф сифатида ифодалайди.

Миркомилбой ҳақиқатда бойлиги билан нафақат маҳаллий аҳоли ўртасида, хорижда ҳам танилган. Бойлигининг маълум қисмини ўз юртдошлари фаровонлиги учун сарфлайди. У табиатан ростгўй. Шу боис ҳам «жини суйганга ҳам, суймаганга ҳам дилидагини аямай айтади». Унинг феълида ростгўйлик билан бирга соддалик ҳам бор. Муаллиф Миркомилбойдаги бу хусусиятни шундай тасвирлайди: «Суриштириб келганда Миркомилбой кимдан, нимани сир тутган ўзи!.. Қув ёки маккор бўлганида раҳматли отасининг Макка ва Мадинада такя қурдириш ниятида ўттиз минг тилло васият қилиб қолдирганини уезд ҳокимига айтармиди?! Соясидан чўчиса, ҳатто ўз пушти камаридан бўлган ўғил-қизларидан ҳадик-хавотирда яшаса, етти ёт бегона, бунинг устига ғайридин Искандарни (1901-1911 йил Орсқдан келиб Миркомилбойга гумашталик қилган Александр Тимофеев – ёзувчи изоҳи) ўзига гумашта қилиб олармиди?!» Миркомилбой характеридаги яна бир ўзига хослик унинг адолатпарварлигида кўринади. У тўғрилик, адолат йўлида ўзининг мискин миллатдошини ҳам аямайди. Кўсак ўғирлаб келаётган ишчини аямай тарсакилаб юборади. Яқин маслаҳатгўйи Ёқубхўжанинг эътирозига жавобан: «Жўжабирдай жон бўлса, оиласини ўғирлик орқасидан боққани маъқулми?!» дейди. Ёқубхўжа айтмоқчи: «Тўғри гапни гапираман, деб душман орттиради».

Бундай феъл-атворидан Миркомилбойнинг ўзи ҳам баъзан изтироб чекади. Лекин унинг хулосаси шундай: "Табиатидаги кажбаҳсликдан қутулиш фурсати жон чиқар вақтига қолди".

Миркомилбой юртдошлари орасида энг катта сармоядор. Шу билан бирга қўли очиқ. Мустамлакачиларнинг нима мақсадда келишганини, аҳвол шундай давом этаверса, миллатни келажакда қандай фожеалар кутаётганини жуда яхши билади. Замон шиддатидан ортда қолмасликка, миллатдошларини ҳам шундан огоҳ этишга, имкон қадар уларга ёрдам беришга интилади. Асар бошида табиатан содда деб таърифланган Миркомилбой истилочилар билан муносабатда ўз феълига зид йўлдан боради. Мустамлакачи амалдорларга қувлик қилади: "Миркомил русчани чала-ярим гапирар, унча-бунча тушунса-да, ўзини бу тилдан мутлақо бехабардек тутар, шу "ҳийласи" айрим ўринларда иш бериб қолар эди", деб ёзади муаллиф. Биз Миркомилбойнинг ўз миллатдошлари билан муносабатида бирор марта "қув" ёки "ҳийлагар" қиёфасида кўрмаймиз. Демак, Миркомилбойнинг "қув"лиги унинг характеридаги сунъий бир хусусият.

Мардикор воқеасига муносабатда Миркомилбойнинг миллатпарварлик қиёфаси ёрқин намоён бўлади. Скобелевда ҳарбий ҳоким ҳузурида кечган мана бу суҳбат фикримизга далил:

"— Андижондан қанча мардикор оласиз? — сўради у (Миркомилбой) гапни чўзмай.

— Нима эди, ўсмоқчилади муовин.

— Барининг ҳақини тўлаймиз! Бизнинг йигитлар Россия ўрмонларида жон сақлаб яшолмайди. Совук!..

Муовиннинг ранги гезарди.

— Ў-ў!.. Давлатингиз шунчалик зиёдами?.. — деб юборди энтикиб.

— Борини бераман. Тўлаймиз, лекин бирорта фарзандимизни жўнатмаймиз!..".

Миркомилбой ўз миллатининг бойларига қарз беради, камбағаллари учун завод, ҳаммом, касалхона қуради. Чор ҳукумати томонидан мардикорга олинаётган ўзбек йигитларини олиб қолиш учун бор дунёсини тўкиб солади. Бироқ шунча хизматлари эвазига миллатдошларидан фақат таънаю дашномлар, ғийбатлар эшитади, холос. Чунончи, Убайдулла жунфурушнинг уйидаги зиёфатга йиғилган Ғофиржон, Ҳошимбой, Ниғматбеклар Миркомилбойни ҳурмат қилишади. Кириб келганда унга катта ҳурмат-эътибор кўрсатишади. Аммо ҳикоя муаллифи уларнинг фасодларга тўла ички дунёсини маҳорат билан кўрсатадики, натижада Миркомилбой шахсиятидаги фожеавий улуғворлик яққол намоён бўлади. Миркомилбой зиёфатга кириб келган дастлабки дақиқадаёқ: "Деразага яқин ўтирган Ғофиржоннинг туси ўзгаради". Ҳошимбой эса ғийбат эшигини баралла очади: "Закот — фарз! Закотдан бўйин товлаш беномозликдан кам бўлмаган гуноҳи кабир!" Бу гап зоҳиран жамоага, ботинан эса Миркомилбойга қаратилган. Бу айрим оғзига кучи етмаганларнинг "Миркомил айрим даромадларидан закот тўламайди" деб тарқатган ғийбатларига зоҳиран ишора.

Миркомилбой фожеасини келтириб чиқарган сабаблардан яна бири айрим юртдошлари болаларининг манқуртга айлангани, деб талқин қилинган ҳикояда. Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, Миркомилбой инқилобий трибуналга топширилади. Трибунал вакилларидан бири рус, бири ўзбек йигити. Миркомилбой ғамхўрлик қилган ўша ўзбек йигитларидан бири. Бой ўзига инқилобий трибунал чиқарган ҳукмни ҳадеб рўкач қилаётган бу ўзбек йигитидан отини сўрайди:

"— Отангнинг отини биласанми?

— Отамнинг отини нима қиласиз суриштириб, барибир отиласиз!.." — жавоб беради аскар.

Сўнг Миркомилбой ундан таҳорат учун сув сўрайди. Ўзбек аскарининг: "Нималар деяпсиз, бой! Буйруқ қиладиган даврингиз ўтди. Энди пўписангиз кетмайди. Таҳоратни "ашёқда" қиласиз" деган гапларидан бир четда тамаки чекиб ўтирган рус йигит тутоқиб кетади. Бу манқурт болага: "Одамни боласимисан, мол?! Ўзингнинг сартинг бўлса, мусулмон бўлсаларинг, охирги илтимосини бажарсанг, ўлиб қоласанми, энағар," — деб бақиради. "Хўжаси" берган бу дашномдан "аскарча" қўркиб ерга ўтириб қолаёзди. Миркомилбой беихтиёр "Наҳотки?" дея пичирлайди. Бу бир калиманинг замирида бойнинг барча алам ва изтироблари мужассам эди. Муаллиф буларнинг ҳаммасини шу бир сўзга юклайди. Ҳикоя охирида икки ракаат намозини ўқиб улгурмаган Миркомилбойга қарата: "Босар-тусарини йўқотган ўзбек аскарча устма-уст тепки босаётган эди...".

"Табиатидаги кажбаҳсликдан қутулиш фурсати жон чиқар вақтига қолди."

Ҳикояда Миркомилбой образи гарчанд тарихий шахс сифатида берилган бўлса ҳам, чор истилоси ва октябрь тўнтариши сабаб бу образ таназзулга учраган миллат рамзи. Ёзувчи талқинида ҳалол, адолатпеша, тўғрисўз, ишбилармон, миллат равнақи учун курашувчи, юртпарвар Миркомилбойни фожеага олиб келган нарса зоҳиран майда бўлиб кўринадиган ҳасад, ғийбат, чақимчилик, иймонсизлик, манқуртлик иллатларининг урчиб кетишидир. Мустамлакачиларнинг боиси ҳам душманнинг зўрлиги, айёр ёки қувлиги эмас, миллатни ичидан емирган ички низодир.

"Миркомилбойнинг қазо бўлган намози" ҳикоясида жамият фожеаси миллат фожеаси сифатида талқин этилади. Миркомилбойдаги юрт тақдирига қайғуриш, ўзига хос чўрткесарлик, ҳар бир гапни мушоҳада қилиш, узоқни кўра билиш ва энг муҳими, ўз она тупроғини севиш ҳар бир қалби уйғоқ кишини мушоҳада қилишга ундайди.

Гулноз САТТОРОВА,
филология фанлари номзоди

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565 йиллиги олдидан

ШАРҚ МУСАВВИРИНИНГ ЖАҲОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИГА ТАЪСИРИ

Буюк мусаввир, Ҳирот миниатюра мактабининг етук намояндаси Камолиддин Беҳзоднинг ижодий йўли ва фаолияти беш асрдан ортиқ давр мобайнида нафақат республикамиз тарихчи ва санъатшунослари, балки бутун жаҳон санъат ва маданият илм аҳлини қизиқтириб келмоқда. Унга берилган "Шарқ Рафаэли" таърифи ҳам жаҳон миқёсида буюклигини ифодалаб турибди.

Камолиддин Беҳзоднинг бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказиш ҳамда таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрда қабул қилинган "Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра Тошкент шаҳрида Мемориал боғ-музей (ҳозирги Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи) ташкил этилди. Музейнинг асосий фаолияти Камолиддин Беҳзод ижодий меросини ва Шарқ миниатюраси, хаттотлик, нақкошлик ва китобот мактаблари тарихини ўрганиш, уларнинг энг яхши нусхаларини дунё миқёсида йиғиш, тарғиб қилиш ҳамда музей фондидаги ишлари билан таништириш, турли миниатюра мактаб вакиллари ва Камолиддин Беҳзод ижодини ўрганувчи хориждаги музей, кутубхона, галереялар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Бугунги кунда музей фондида беш юздан ортиқ ноёб экспонат жамланган. Бу экспонатлар Беҳзод ва унинг шогирдлари ижоди, юртимиз ҳудудида фаолият кўрсатган миниатюра мактаблари ҳамда Ўзбекистоннинг ёзув маданияти, китобот тарихи, бугунги кун миниатюрачи рассомлари, етук хаттотларининг ижод намуналаридан асл ва фото нусхаларидан иборат.

2018 йил апрель ойида дунёнинг турли музейларида сақланаётган китобот санъати дурдоналарини ўрганиш, тўплаш ва ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этиш мақсадида Шарқ миниатюра санъати музейи ходимларидан иборат илмий-ижодий гуруҳ Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган Тўпқопи саройи музейи ҳамда Турк ва Ислом санъати музейи фондларида сақланаётган қўлёзмаларни ўрганди. Тадқиқот натижасида 170дан ортиқ Шарқ китобот санъати намуналари кўриб чиқилди ва уларнинг нусхаси Туркия маданият ва туризм вазирлиги томонидан Шарқ миниатюра санъати музейи фондига совға қилинди. Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси ҳамда Турк ва Ислом асарлари музейи фондларида сақланаётган китобот санъати ноёб намуналарининг факсимели асосида тайёрланган кўргазмада намойиш этилаётган асарлар ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари эътиборига илк марта ҳавола этилди.

Унда ушбу нодир коллекциянинг кичик бир қисми, жумладан, Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари, Алишер Навоий портрети, Низомий Ганжавий "Хамса"си, Абдураҳмон Жомий асарлари, Камолиддин Беҳзоднинг шогирди Маҳмуд Музаҳҳиб миниатюралар ишлаган Ҳумой Ҳумоюн асари, Ҳофиз Абру куллиёти, "Зафарнома", "Темурнома", Саъдий Шерозий достонлари ва бошқа нодир қўлёзмаларга ишланган китобот санъатининг ноёб дурдоналари, миниатюралар, шамс, зарварақ, унвон ва жилдларнинг гўзал намуналари намойиш этилди.

Буюк мусаввир санъати нафақат Шарқ, балки европалик рассомларнинг ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. XX аср бошларида импрессионистлар – Питер Паул Рубенс, Анри Матисс ва бошқалар ижодида Беҳзод миниатюра мактаби таъсирини кўриш мумкин. Европа Уйғониш даврининг буюк ижодкорларидан XX асрнинг йирик рассомларигача, жумладан Густав Климт, Каземир Малевич, Василий Кандинский кабилар ўрта аср Шарқ миниатюра санъати анъаналаридан илҳомланганлар.

Зеро, Камолиддин Беҳзод Шарқ миниатюрасига кўпгина янгиликларни олиб кирган. Жумладан, композицияга пейзаж, портрет жанрини биринчилардан бўлиб киритди, жанг-батал, сарой жанрларида жонли ҳаётни, ўз ижодида халқнинг ҳаётини, илк маротаба ижтимоий табақани ҳам кўрсатишга эришди. У асарларида тасвирлар мутаносиблигини кўрсатиб беролди. Мусаввир диптих – икки томонлама кўрсатилган композицияга асос солди, асарларидаги тасвирларни умумий уйғунликка келтирди. Рангларни сокин, равон кўринишда беришга ҳаракат қилди, тасвирланаётган буюмлар билан мослашувига эътибор берди. Ижодкор миниатюраларида воқеа-ҳодисаларни айнан бўлиб ўтаётган пайтида кўрсатди. Бу билан иш жараёнини, ҳаракатни тасвирлашга интилди.

Ҳирот миниатюра мактаби ижодий ютуқларидан бири тасвирларда бир вақтнинг ўзида бир неча воқеанинг очиб берилишида кўринади. Камолиддин Беҳзод бўёқларни ўз ўрнида ва уйғунликда қўллаш маҳоратига эга эди. Бу борада Ҳиндистон рассомлари ҳам унга тақлид қилишгани сезилади. XVI аср тарихчиси Абулфазл Алломийнинг ёзишича, ҳиндистонлик миниатюрачилар ранглардан ўз ўрнида фойдаланишда бир қатор муваффақиятларга эришганлар.

Беҳзод ижодининг кўп қисмини портрет жанридаги миниатюралар ташкил этади. Авваллари портрет миниатюрада алоҳида жанр бўлмаган, у шартли эди. Мусаввир эса биринчилардан бўлиб шахс хусусиятларини, характерини очиб берди, лекин бу билан миниатюра рангтасвир қоидаларидан четга чиқиб кетмади. Беҳзод инсон образи тасвири, уни ҳаракатда кўрсатиш, мўъжаз санъат имконидан тўлиқ фойдаланган ҳолда уларнинг хусусиятларини, ички дунёсини бера олишга эришди. У илк маротаба подшоҳни фақат шоҳ эмас, инсон сифатида ҳам тасвирлай олди. Масалан, Султон Ҳусайн Мирзо тасвирида унинг юз тузилишини қандай бўлса шундайлигича кўрсатмаган, асарда султон бақувват, жасур қиёфада ифодаланган.

Беҳзод Султон Ҳусайнни сарой аҳли билан, яшил рангдаги кийимда, бошида тож билан тасвирлайди. Қолган сарой аъёнларини уларнинг либослари ёки бошқа деталлар орқали ажратиб кўрсатади. Бундан ташқари, Беҳзод асарларидаги айлана композиция кўп қиёфали тасвирларни кўрсатишга ёрдам беради. Унинг асарларида кийимлар ёркин, шу билан бирга, ўта вазмин кўрсатилган. Олдинги пландаги тасвирнинг ёркинлигини орқа пландаги ранг босиқлиги асарнинг бир маромда намоён бўлишини таъминлайди.

Мусаввир ўз асарларида фақат тасвирга эмас, ёзувларга ҳам жиддий эътибор қаратган. Беҳзоднинг бизгача етиб келган асарларининг аксариятида имзо қўйилмаган. Шунга қарамай, унинг мўйқаламига мансуб миниатюраларидан қайсиларига қай тарзда имзо қўйганини билиш мумкин. У кўпроқ чизган расмлари, айниқса, портретларининг пастки қисмига номини ёзиб имзо чеккан. "Султон Ҳусайн Мирзо портрети"да тагига "Тасвири Султон Ҳусайн Мирзо - Беҳзод", қуйироқда "Ал-фақир Беҳзод" деган имзони кўриш мумкин. Ёки Низомий Ганжавий "Хамса"сининг бошқа нусхасига ишланган миниатюра тагида "Беҳзод" деб ёзилган бўлса, бошқа асарларида "Пир Ғулом Беҳзод", "Амали устод Беҳзод" деган имзолар бор.

Булардан англаш мумкинки, Беҳзод ўз асарларида тасвирланаётган воқеа-ҳодисани тушунтиришга ёрдам берувчи ёзувларни ҳам қолдирган. Портретларининг юқори қисмида кимнинг портрети тасвирланаётганини кўрсатувчи ёзувлар мавжуд, пастки қисмида эса ўз номини битиб имзо чеккан. Унинг ҳар бир миниатюрасидаги имзолар турли кўринишларда ёзилган. Мусаввир имзо қайси кўринишда қўйилишига ҳам катта эътибор қаратган.

Беҳзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчиларини Афғонистонда (устод Муҳаммад Саид Машъал), Эронда (Карим Тоҳирзода Беҳзод), Ўзбекистонда (марҳум устод Чингиз Аҳмаров) ва бошқа Шарқ ўлкаларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир Шарқ ва Оврупо мамлакатларида санъат, рассомчилик тарихини ўрганишда миниатюра чизиш тарихи, хусусан, Беҳзод миниатюра мактаби алоҳида ўрганилади ҳамда махсус мактабларда ўқитилади.

Бу йил буюк мусаввир ва нақкош Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565-йиллигини октябрь ойида кенг нишонлашда тарихий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга

кўра, Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565-йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш, мусаввир хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг кўчаларидан бирига унинг номини бериш, "Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат стипендияси"ни таъсис этиш ва яна бир қатор масалалар кўзда тутилган. Жумладан, Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари ижодини ўрганиш ва меросларига оид ашёларни тўплаш мақсадида чет элларга илмий экспедициялар ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш, чет элларда сақланаётган Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари ижодига мансуб асарларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш бўйича 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш буюк мусаввир ижод йўлини ўрганишда жуда катта қадамдир.

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА

МЕҲНАТ, МАШАҚҚАТ ВА МУВАФФАҚИЯТ

Таниқли актёр Илҳом Бердиев Қарши шаҳрида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Йўлдош Бердиев оиласида дунёга келди. Онаси педагог Замирахон Мирзаева катта умид билан фарзандига Илҳом деб исм қўйди.

Болалигида отасининг ёнида юриб, "Эски мачит", "Мулоқот" театр-студиялар спектаклларини томоша қилиб, театр саҳнасига ошуфта бўлган Илҳомжон актёр бўлишни орзу қилди. 2004 йили мактабни битиргач, орзуси ҳақида сўз очганида, отаси қатъиян рад этди. Катта акаси Дилшодбек "Менга рухсат бермадингиз, армон бўлди, укамга рухсат берасиз", деб унинг тарафини олди. Хуллас, ота ўғлига "оқ фотиҳа" берди.

2007 йил И.Бердиев Ўзбекистон давлат санъат институтининг "Драма ва кино" факультетига ўқишга кирди. Курс раҳбари Мунаввара Абдуллаевадек мураббийдан таълим олиши омадининг бошланиши эди. Саҳна нутқи устози Махсума Ҳожиматовадан ҳам кўп нарсаларни ўрганди. 2011 йил институтни тугатган ёш актёр Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрига йўл олди. Илк ролларини оммавий саҳналардан бошлади. Сўнг "Икки бойга бир малай" спектаклида Сильвио, Ш.Бошбековнинг "Ер барибир айланаверади" спектаклида Ҳоким, "Бахт эшик қоққанда" спектаклида хизматкор, Рихсивой Муҳаммаджоновнинг "Давлат болалари" спектаклида Бахтиёр каби роллари орқали режиссёр С.Мелиев, актёр ва режиссёр Б. Мирмақсудов билан ҳамкорликда фаолиятини давом эттирди. "Ҳали-ҳамон кўнглимдаги образни яратмадим", деб юрган бир пайтида театрга бош режиссёр бўлиб келган Олимжон Салимов 2019 йили "Жинлар базми" спектаклда Абдулла Қодирий роли ижросига Илҳом Бердиевни танлади... Буюк адиб образини яратиш актёр учун жуда масъулиятли вазифа эди...

Улуғ ёзувчининг кечинмалари, дард ва аламлари, ички ҳиссиётларини очиб бериш йўлида жиддий изланди ва образ яратишнинг уддасидан чиқди. Репетиция жараёнларида Олимжон Салимов ёрдамида Илҳомжон Бердиев истеъдодининг янги қирралари очилди. Бир сўз билан айтганда, Олимжон Салимов Илҳомжонни кашф этди.

И.Бердиев ўзини кинода ҳам синаб кўрган актёрлардан. Режиссёр Шаҳноза Жамиловнинг "Параллел" фильмида Шаҳло Темирова билан фарзанди йўқ оилани гавдалантиришди.

2019 йили режиссёр ва актёр Дилмурод Масаидов "Қўқон шамоли" номли тарихий фильмга қўл урди... Сценарий олима Зебо Қобилова қаламига мансуб. Танловда кўплаб актёр ва актрисалар қатори Илҳомжон Бердиев ҳам бор эди... Кутилмаганда И.Бердиев танловда ғолиб бўлди.

Суратга олиш жараёнида Бобур Йўлдошев, Фурқат Файзиев, Гулбаҳор Йўлдошева каби актёр ва актрисалар салобати Илҳомжонни бироз ҳаяжонга солди. Аммо бу санъаткорларнинг олижаноблиги Илҳомжонни ҳайратлантирди. "Мен уларнинг ҳар биридан миннатдорман", дейди актёр. Амир Умархон образини яратиш осон кечмади, лекин етук актёрлардан кўп нарсани ўрганди.

2019 йил Илҳомжон Бердиев учун омадли келди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган "Эҳтиром" танловининг "Классик асардаги энг яхши роль ижрочиси" мукофотига сазовор бўлди...

— Отам актёр бўлишимга қаршилик қилганларида хаёлларидан нималар кечганини билмайман, сўрамадим ҳам, — дейди Илҳомжон. — Аммо йиллар давомида актёрлик касби қанчалик мураккаблигини, ўз устида изчил ишлаш, бадиий асарлар мутолаа қилиш, бошқа театрлардаги янги спектакларни кузатиб бориш, "устоз ва шогирд" анъанасига риоя қилган ҳолда тажрибали устозлардан маслаҳатлар олиш кераклигини тушуниб етдим. Бу эса актёрдан кучли ирода, меҳнатни талаб этади ва ҳар доимгидек бир фоиз омад, албатта, зарур.

Қаҳрамонимиз ҳаммаси олдинда эканини, халқи учун кўп хизмат қилиши кераклигини билади... Ана шу масъулият ҳисси Илҳомжон Бердиевга илҳом бағишлайди.

Саидахон СОТИМХОН қизи,
театршунос

МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ҲАМКАСБИМИЗ ЁДИ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти қутлуг даргоҳ. Бу даргоҳда кўплаб таниқли, тажрибали журналистлар, яхши инсонлар билан ҳамнафас бўлдим. Бу ҳамкасбларим ҳақида узоқ гапиришим мумкин. Уларнинг ҳар бири газета саҳифаларидаги чиқишлари билан эл назарига тушган, матбуотимиз тарихига муносиб ҳисса қўшишган. Ана шундай таниқли журналистлардан бири Мурод Абдуллаев эди. У ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги туб ўзгаришлар, янгиликлар, муаммоларни тезкорлик билан ёритишда фаоллиги боис газета ва мутахассислар томонидан эътироф этилди. Мурод ака таҳририятимизда кўп йиллар мобайнида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди.

Газеталар секин-аста компьютер тизимига ўтаётган вақтлар. Саҳифалаш ҳам компьютерда бажарила бошланди. Бу жараёнлар ўша вақтда анчагина мураккаб кечарди. Бир тугмача эҳтиётсизлик билан босиб юборилса, бутун бошли тайёр саҳифа йўқ бўлиб кетиши мумкин... Хуллас, барча ишларга бош-қош бўлиш осон кечмаган. Бу вақтда раҳбарга, хусусан, Мурод акага ҳам осон бўлмаган. Шундай тиғиз жараёнда у киши билан муносабатларимиз ҳам баъзан қийин кечган.

Бир куни: "Сизнинг ишлашингиз мени қониқтирмаяпти. Маошингизни камайтириб, ярим штатга тушираман", деди. Мен рози бўлиб, ишни давом эттирдим. Кўп ўтмай ишдан бўшашга ариза ёзишимни айтди. Мен эътироз билдирмадим. Тақдирни қарангки, орадан икки йил ўтиб, Мурод аканинг ўзи мени яна таҳририятга ишга таклиф қилди. Газетада масъул котиб вазифасида ишлай бошладим. Бу пайтда газеталар тўлиқ компьютер тизимига ўтган, макетлаштириш, суратларни ишлаб нашрга топшириш жараёнлари — ҳаммаси компьютерда амалга ошириларди.

Бир куни саҳифага мақолаларни жойлаб, сурат излаётганимда Мурод ака хонага кириб келди. Мендан нимани излаётганимни сўради. Сўнгра жиддий оҳангда: "Суратлар ҳаммаси компьютерда. Саҳифаловчи йигитга қандай сурат кераклигини айтсангиз, бўлди, тайёр қилиб саҳифага жойлайди", деди.

Иш жараёнида компьютерда сақланаётган суратларни кўздан кечираётиб, газетада узоқ йиллар ишлаган Содиқ Маҳкамов олган суратлар тўпламига кўзим тушди. Унда ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, давлат арбоблари, турли учрашувлар, спектакллардан, кино оламидаги тадбирлар, қўйингки, турли мавзудаги кўплаб суратлар алоҳида тартиб билан сақланган эди. Олдинига бунга унчалик ҳам эътибор бермадим. Кейинчалик иш жараёнида яна кўплаб сураткашларнинг асарларини кузатдим. Юртимизнинг тўрт фаслига хос, бири-бирини такрорламайдиган суратлар тўплами ҳам электрон ҳолда сақланган. Илгари битта сурат керак бўлса, катта картон қутини очиб, титкилашга тўғри келарди. Бу иш кўп вақтни олар, асабларни таранг қиларди. Вақти келиб шу ишларни кимдир бажариши лозим эди. Буни Мурод ака ўз зиммасига олганди.

Газетада Мурод аканинг узоқ йиллик фаолияти кўпчиликка ибрат бўлгулик эди. У киши билан баъзан фикрларимиз, қарашларимиз тўғри келмай қолса-да, айтиш жоизки, газетанинг жонкуяр ходими сифатидаги фаолияти, бой тажрибаси кўплаб ёшлар учун ўрнак эди.

Бир гал: "Асрор, сизга иш жараёнида кўп озор берганман. Буни гоҳида атайин, гоҳида билмайин қилганман, ҳаммасини яхши эслайман. Лекин сиз бирор марта менга тик қараб, бир оғиз қарши сўз айтмагансиз. Сиздаги тарбия, одамгарчиликка тан бердим. Бугун мен сиздан ҳаммаси учун узр сўрайман, мени кечиринг" деди-да, бағрига босди, ўпкаси тўлиб кетди. Мен: "Мурод ака, қўйинг, бўлиб ўтган гапларни аллақачон унутиб юборганман", дедим.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Жума куни газетанинг кейинги сони режасини келишиб олдик. Кечга томон хонамга Мурод ака кириб келиб: "Мен эртага сафарга кетаман. Қишлоғимга. Қаршига бораман. Тўйларим бор, уни ўтказиб, сўнг муҳаррир топшириғи билан бир мақола тайёрлайман. Шу билан сешанба куни кўришамиз", деди.

Икки кунлик дам олиш ўтди. Душанба куни бош муҳаррир тонг саҳарда менга қўнғироқ қилиб: "Мурод ака бандаликни бажо келтирибдилар. Зудлик билан уч-тўрт киши бўлиб Қаршига бориш керак", деди.

Инсон пешонасига ёзилганидан ортиғини кўрмас экан. Мурод аканинг Қашқадарёдаги хонадонига етиб бордик. Ҳашаматли уй-жой, яратган боғлари — ҳаммаси қолди. "Нафақага чиқиб, икки-уч йил ишлайман. Сўнг юртимга кетаман. Боғларим, ўзим қурган уйларимда эркин ижод қилиб юраман", деб кўп гапирарди...

Охирги китобини "Қафасдан қутилган қуш" деб номлаган эди. Бу китобни қўлга олиш Мурод акага насиб этмади. Ундан газета учун қилган машаққатли меҳнатлари эвазига ўчмас хотиралар, йиллар давомида ёзилган ҳароратли мақолалар, кўплаб китоблар қолди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни арафасида газетамизнинг ўтган йиллардаги қалин тахламларини варақлар эканман, саҳифалардан меҳрибон ҳамкасбимизнинг азиз сиймоси боқиб тургандек туюлаверади.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси масъул котиби

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

"Жаҳон адабиёти" журнали

2020 йил март, апрель сонлари

"Таассуфки, инсон бугун илмий тафаккур билан бирга сунъийлашиш, ўз моҳиятидан узоқлашиш, оёғи тиралиб турган замин тақдирига беписандлик йўлидан бормоқда". Ушбу иқтибосдан "Муҳаррир минбари" рукнида берилган, долзарб мавзудаги "Буюк илоҳий мувозанат" мақоласи мазмунини илғаш қийин эмас.

Атоқли қозоқ адиби Ғабит Мусреповнинг "Япон балладаси" номли туркум ҳикоялари (қозоқ тилидан Носир Фозилов таржимаси), ўзбек илмий фантастикаси асосчиси Ҳожиакбар Шайхов ижодий меросидан берилган бир жуфт ҳикоя наср ихлосмандларига манзур бўлиши тайин.

"Шеърият минтақалари"да Сергей Есенин (таржимон З.Неъмат) ва Брайн Петтин (инглиз тилидан М.Қодирова таржимаси) шеъриятидан айрим намуналарни ўқийсиз.

Машҳур рус драматурги Александр Вампиловнинг "Тўнғич ўғил" номли икки пардали комедияси ўтган асрнинг 70-йилларида кенг доврўқ қозонган, драматургия соҳасида улкан воқеа сифатида тан олинган эди. Бу асарни Шароф Бошбеков таржимасида ўқийсиз. Э.Хемингуэйнинг "Борлиқ ва йўқлик", Ш.Бронтенинг "Жейн Эйр" романлари давоми ҳам журналнинг март ойи сонида босилган.



Қирғизистонлик академик А.Акматалиевнинг "Чингиз Айтматов ижодида инсон ва космос муносабатлари" тадқиқоти (А.Мелибоев таржимаси), И.Клехнинг "Масалнинг хазина дунёси" мақоласи (М.Худойқулов таржимаси) ҳамда Чарли Чаплиннинг "Менинг ҳаёт йўлим" китобидан айрим боблар (М.Муҳаммадаминова таржимаси) ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Журналнинг 2018, 2019 йиллардаги бир неча сонларида Фёдор Достоевскийнинг "Ака-ука Карамазовлар" романи Иброҳим Ғафуров таржимасида босилган эди. Ана шу асар таржимасининг давоми "Жаҳон адабиёти"нинг шу йилги апрель сонида берилган. Шунингдек, ушбу сонда қозоқ адибаси Ойсулув Ахан қизининг "Оққушлар армони" қиссасида (қозоқ тилидан М.Исломқул ўғли таржимаси) аёл қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Шоҳ Исмоил Хатоий ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўз ҳаётида салтанат ва ижодни мужассам этган шоир. Хатоийдан салмоқли ижодий мерос қолган. Мумтоз Шарқ шеъриятининг турли жанрларида битилган шоир меросидан намуналарни А.Бойқўзиев таржима қилган.

Тўлқин РАЙИМОВ

Кичик жанрга катта садоқат

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Абдураззоқ Обрўй билан азиз дорилфунунда — Ўзбекистон Миллий университетида олдинма-кейин ўқиганмиз. Охирги курсларда Абдураззоқ ўқишини Москвага кўчириб кетгани ҳам эсимда. Гапнинг қисқаси, у журналистлик касбини пухта эгаллаб, кўп йиллар қалам билан қоғозни қиртишлади.

Қирқ туянинг ҳам белини майиштирадиган машаққатли мухбирлик юкини сабот ила кўтарган Абдураззоқ бадиий ижодга ҳам асло "бевафолик" қилмади. Катта адабиётга пародиячи шоир сифатида кириб келган дўстимизнинг ижоди ўтган йилларда бадиий жиҳатдан камолга етди. У адабий жамоатчилик томонидан яхши пародиячи шоир сифатида кенг эътироф этилди. Нишонга бехато тегувчи бегараз пародиялари, ҳажвий шеърлари севимли газета ва журналларнинг энг кўринарли саҳифаларидан сира тушмади.

Аввалдан бир сирни очишим мумкин: яқинда маълум бўлдики, у энди ҳикоя, қисса ва романларга ҳам пародия ёзмоқчи...

Бугун Абдураззоқ Обрўй азза-базза таҳририятимиз меҳмони бўлиб турибди. Қуйида унинг кейинги йилларда ёзилган пародияларидан бир нечасини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Абдумажид АЗИМ

Абдураззоқ ОБРЎЙ

КИМЛИГИНИ АЙТМАЙМАН...

Қаёғим айтсин?

Мен сени қанчалар соғинганимни
Ҳижронингда мен ютган
заҳарлар айтсин.
З.Неъматнинг
"Саҳарлар айтсин" шеъридан.

Деворингдан ошган чоғимда,
Шир йиртилган кўйлагим айтсин.
Қистаб қолди ўшанда бирдан,
Чидаб берган буйрагим айтсин.

Деворингдан ошган чоғимда,
Итинг яларди косасини.
Тиқилинчда қайдан топаман,
Мен-чи, шимимнинг тозасини.

Қувиб қолди йўлбарсинг бирдан,
Синиб қолган оёғим айтсин.
Гувоҳларим менинг бир талай,
Яна айтгил, қаёғим айтсин.

Тортиниш

Не-не санамларга дуч келганда ҳам,
Ўтиб бормоқдаман севаман демай.
Э.Назарнинг
"Севаман демай" шеъридан.

Ановиси кўзин қисди,
Мановиси лабин бурди.
Оғзин очиб турган шоир
Тасодифан барин кўрди.
Битта санам қошин қоқди,
Биттаси-чи, бедор боқди.
Не бўлса ҳам бундай ҳолат
Эр Назарга жуда ёқди.
Уялдими, тортиндими,
Айтишмади беваман деб.
Шу боис ҳам шоир акам,
Айтолмади севаман деб.

Соғиниш

Мен сени соғиниб яшайман,
Сен эса ўзгалар қўйнида.
Масиҳуллоҳнинг
"Дарахтдан тўкилди япроқлар"
шеъридан.

Турган эдим кўчада,
Дўстим билан чекишиб.
Кўчадан ўтиб қолдинг,
Бир йигит-ла ўпишиб.
Дарҳол дедим дўстимга:
"Соғингандим тозаям.
Яхшиям ўтиб қолди,
Безовтайдим росаям" .

Билмас эдим

Ёмғир ёғди дарахтларга, гулларга,
Денгиздан ҳайқираётган чўлларга,
Уфққа қўл берган йўлларга,
Қуёшга бўй чўзган бойчечак, ўтларга...
Т.Алининг
"Ёмғир ёғар" шеъридан.

Телевизорда кўрдим,
Ёмғир ёғди Ялтада.
Одамлар юришибди,
Зонтик, плашу пальтода.

Радиодан эшитдим,
Қайдадир сел кетибди.
Юртимиз ёмғирига
Турсунбой шеър битибди.

Қуяр ёмғир челаклаб,
Шоиримиз бўйнига.
Томчилари думалаб,
Кириб кетар қўйнига.

Сувга тўлди ҳаммаёқ,
Ариқлар ҳам, сойлар ҳам.
Қаранг, лой бўлиб қолди,
Пасту баланд жойлар ҳам.

Билмас эдим ёмғирнинг,
Ёғишини йўлларга.
Буни қаранг, ҳаттоки,
Ёғар экан чўлларга.

Баъзида шоирлар ҳам
Қотирганда бошини,
Хафа бўлиб табиат
Тўкар экан ёшини.

Қуп-қуруқ

Темирга тош отсангиз,
оҳанг қайтаверади.
Нафас олган жон борки,
шеърин айтаверади.
А.Боймуроднинг
"Шеър юракни даволар"
шеъридан.

Абдураззоқнинг, жўра,
Ёзишга уқуви йўқ.
Ёриб кўрдим шеърингни,
Бир томчи ҳам суви йўқ.

Чуччими ё муччими?

Севги нима? Азобми
Ё роҳатми, билмадим.
Тизгинсиз изтиробми
Ё тоқатми, билмадим.
Д.Норқуловнинг
"Севги нима?" шеъридан.

Севги нима? Соқолми
Ё мўйлабми, билмадим.
Ранги сариқ ё олми,
Оқ кўйлакми, билмадим.

Севги нима? Зўр тойми
Ё машина, билмадим.
Осмондаги ё ойми,
Ё хазина, билмадим.

Севги нима? Шўрмикан
Ё чуччими, билмадим.
Гапга кирмас ўрмикан
Ё муччими, билмадим.

Бу шоира, эх, роса
Савол бериб тинмайди.
Жавобини топмаса,
Бизни ҳам тинч қўймайди.

Шоир бўлай десанг

Биз эса уйланиб, шоир бўлганмиз,
Шундан ижодимиз савияси паст.
Оила ташвиши, бола-чақадан
Айрила олмайин юрамиз карахт.
Чоршамънинг
"Шоирлар ва уйланиш"
шеъридан.

Уйландингми, шоирликни унут шарт,
Бало борми энди ашъор битмоққа,
Шоир бўлсанг, ростдан
бўлсанг, агар мард,
Уйланма, тушиб қолмагил
сиртмоққа.
Хотинсиз шоирнинг эрки ўзида,
Дадиллик бўлади айтар сўзида.

Уйланган шоирдан илҳом қочади,
Тополмайди калаванинг учини.
Рўзғор деган ғор бағрини очади,
Сўриб олар бор қуввати, кучини.
Хотинсиз шоирда талант бўлади,
Шеърин савияси баланд бўлади.

Айтмайман

Севиб қолдим бир гўзални,
Кимлигини айтмайман.
Қўшиқдан.

Мен юраман ўйида,
Ўлсам ўлай қўйида,
Бўлса ҳамки бўйида,
Кимлигини айтмайман.

Отаму онамга ҳам,
Терговчи холамга ҳам,
Ғирт суюқ Саломга ҳам,
Кимлигини айтмайман.

Қуёш, юлдуз, ойларга,
Шарқираган сойларга,
Ҳатто ҳотамтойларга
Кимлигини айтмайман.

Мен юраман ўйида,
Ўлсам ўлай қўйида,
Бўлса ҳамки бўйида,
Кимлигини айтмайман.

Шоирнинг ҳазил суратини
Ҳусан Содиқов чизган

«ЖИНГИЧКА»НИНГ БОЖМОНИ

Муродбой НИЗАНОВ

Қаёқдан томир уриб келганини билмайман, уйимизнинг қунботар бурчида бир туп тўранғил новдаси пайдо бўлди. Япроқлари ям-яшил, теракдек расо.

Хотинимга кўрсатдим:

– Қара, тўранғил! Нари борса, уч йилда соя беради. Тагига сўри қўйиб, маза қилиб дам оламиз.

– Ширинжа-пиринжа тушмайдими? – қизиқди хотиним.

– Йўғ-а, ширинжа дегани қоратолга ўч бўлади, дунёда тўранғилдек тоза дарахт йўқ.

Худди ўзим олис юртдан олиб келиб эккандек, тўранғилнинг хосиятларини санай кетдим. Унинг томир қувиб ўсиши, анов-манов захни писанд қилмаслиги, тагига қумурсқа ин қурмаслиги, бошқа дарахтларга қараганда икки ҳисса кўп кислород ишлаб чиқариши, хуллас, тўранғилни булбулигўё бўлиб мақтадим. Нима бўлса-да, парвариш қилмай серсоя дарахтли бўлганимиздан қувондик.

Айтганимиздек, уч йилда тўранғилнинг бўйи томнинг шиферига етди. Йўғонлашди. Аммо ҳали кўрпача солгудек сояси йўқ.

– Ҳали кўнгилдагидек ўсмади-ёв, оғаси, – дейди хотин.

– Яна уч-тўрт йил ўтсин, ўшанда кўрасан, – деб кўяман гердайиб.

Ўзимизни алдаб юриб, яна уч-тўрт йил ўтди. Тўранғили тушмагур, мени алдокчига чиқара бошлади. Соя қайда? Аксинча айби чиқиб, том устига ёнбошлаб ўса бошлади. Айрим шохлари шиферга "чўзилиб" олди.

– Тапчанни қачон қурамиз, – деб хотин гоҳо устимдан кулади.

– Сабр қил, хотин, шиферга бориб урилгач, орқага ўса бошлайди. Ана шунда кўрасан соябондек устингда туришини!

Бироқ, бу занғар шиферга бориб урилса-да, ортга қараб ўсмади. Қайтанга шиферга ётганича, олдинга ўсаверди.

Тўранғил катталашгани сайин кечаси уйқудан қолдик. Энди кўзимиз илинганда, нимадир "шитир" этади. Хотин учиб туради.

–Товуқ кўрани кимдир очяпти!

Секин бориб, деразадан товуқ қурага қараймиз. Жим-житлик. Яна кўзимиз илинади, яна "шитир" этган товуш эшитилади. Хотин елкамдан тортади.

– Тур, тур, ташқари эшикка қара!

Қулоқларимиз тикраяди. Жимлик. Ахийри "айбдор"ни топдик. Тўранғил билан шифернинг томошаси экан бу.

Биз уйқудан қолганимиз билан тўранғилнинг иши йўқ. Кун сайин "шитир-шитир" билан "шийқ-шийқ" кучаяверди. Айниқса, қаттиқ шамол турган кунлари Худо бериб қолади. Томбоши тасир-тусур бўлиб кетади: "шитир-шитир" – "шийқ-шийқ", "шитир-шитир" – "шийқ-шийқ"...

Бора-бора тахтадан суғурилиб чиққан михлар шиферга тирналиб, тақир-туқирга айланди. Бир куни бошимизга қулаб тушмаса яхши эди!

Охири сабр косам тўлди. Тонг отгунча ухлаёлмай чиққан куним қўлимга болтани олдим.

– Ҳой, нима қилаяпсан?

Энди болтани тўранғилга урмоқчи бўлган қўлим ҳавода муаллақ қолди. Қарасам, табелчи Бухарбой экан.

– Э-э, манавини чопиб ташламасам... Шифернинг барини қийратмоқчи.

– Эсинг жойидами, тегма унга!

– Нимайди?

– Тўранғил ўрмон хўжалиги ҳисобида туради. Уни чопиш учун божмондан рухсат керак.

– Қанақа ҳисоб, қанақа рухсат, уйимнинг тагидан ўзи кўкариб чиқди-ку!

– Ҳамма дарахт ҳам шундай кўкариб чиқади. Ўсиб улғайгач эса, ўрмон хўжалиги мулкига айланади. Чопсанг, жаримаси силлангни куритади.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ҳазиллашаяпти, десам Бухарбой ҳазилни ёқтирмайди. Шундай бўлсаям, яна сўрадим:

– Рост айтаяпсанми?

– Рост айтмай... нима, мен поччангманми?

– Энди нима қиламиз унда?

– Нима қилардинг, тегма, ўсаверсин...

– Шиферни тешиб юборяпти-ку?

– Шиферингни олиб ташла.

Бухарбойнинг гапи ёқмади. Лекин, барибир қўлимни совутди. Қайтиб болта силтай олмадим. Тақдирга тан бердик. Туни билан шамол ғувиллайди, тўранғил гувиллайди, шифер шитирлайди, хотин тўнқиллайди, болалар ухламайди...

Шу билан орадан яна икки-уч ой ўтди. Тўрт-бешта шифер синиб ерга тушди. Ахийри, бўлмади. Эллик чақирим йўл босиб, "Башир" овулга, Еркинбой божмонга учрадим. У Бухарбойдан баттар қилиб, осмонни ерга туширди.

– Шохларини синдирмадингми?

– Йўқ.

– Пўстини эшак қайзамадими?

– Қайзамади.

– Эчкиларинг ўрмалаб япроғини емадими?

– Йўқ, емади.

– Унда дуруст экан. Сенга маслаҳатим, ҳаргиз унга болта теккизувчи бўлма. У ўрмон хўжалиги ҳисобида туради. Арзимаган ишга қамалиб кетма.

– Оғажон-ов, тўранғил кам-кам уйнинг устига миниб бораяпти.

– Керак бўлса, уйингни нарига кўчирасан!

Гапдан фойда йўқлигини тушундим. Ўрмон хўжалигига бордим. Бошлиғини танимайман, бироқ ўринбосари узоқ қуда-қариндош бўлади. Ўшанга арз қилдим.

– Томнинг бурчагида ўзи кўкариб чиққан бир туп тўранғил бор эди. Ўшани чопайин деб...

У гапимни охиригача эшитмади:

– Барака топ, тегма ўшанга! Яқинда "Жингичка"нинг тўқайига ўт тегди. Ана шундан сенга бир мошин куйган тўранғил берайин. Пулинг ҳам керак эмас.

– Йўқ, менга тўранғил керак эмас, ҳалиги тўранғилни чопмасам...

– Судланмоқчимисан? Сен ўзинг билан мени ҳам тортиб кетасан-ку!

Садағаси кетай, бу тўранғил деганининг! Эллик чақирим босиб "Башир" овулга бордим – ишим битмади, бир кун ишхонамдан рухсат сўраб Нукусга бордим – битмади. Охири, қўлни ювиб, қўлтиққа урдим. Энди ҳар сафар тўранғилнинг ёнидан ўтсам, унга хавфсираб қарайман: худди "сен нега менинг изимга тушиб олдинг" деб устимга қулаётгандек гўё.

Кунлар ўтаверди. Шамол ғувиллайди, тўранғил гувиллайди, шифер шитирлайди, хотин тўнғиллайди, болалар ухламайди... Ёзгача шифернинг ярми тамом бўлди. Энди осмон бир ёғса, тўранғил икки ёғади. Ҳар хонада уч-тўрт тоғора. Ёғин-сочиндан сўнг икки кунгача тирс-тирс, тирс-тирс...

Бир куни кутилмаганда муаммо ечилди. Хотиннинг тоғаси ўғлини уйлантириб, катта бир тўйхонада базм берди. Чамаси камида беш юз киши сиғадиган зал. Кира солиб бирданига ёнимдаги бировнинг қўлига шартта ёпишганимни билмай қолдим.

– Тинчликми? – деди у боякиш.

– Манов... мановунга ёғ ялатиб қўйибдими? Тойиб кетай дедим...

У билагини қўлимдан бўшатиб олар экан: "Йиқилмайсан, нима, паркет полни кўрмаганмисан? Бу тўранғилдан қилинган паркет пол-ку!" деди.

Астағфурилло, пол худди ойнадек яркирайди. Унга қараб бемалол соқол олса ҳам бўлаверади. Бунақасини кўрмабман, тўранғил шундай ялтиллар экан-да?

– Ялтиллайди ва мустаҳкам бўлади, – деди кимдир.

– Бу тўйхонанинг эгаси ким экан? – деб сўрадим.

– Танимайсанми? – деди яна кимдир.

– Йўқ.

– "Жингичка"нинг божмониники! Унинг яна бир тўйхонаси бор. Унисининг поли ҳам тўранғилдан. Ушласанг, қўлинг тояди.

...Тўйдан келдим-да, қўлимга болтани олиб, уй бурчагидаги тўранғилга томон шошдим.

Қорақалпоқ тилидан
Ҳидоят АҲМЕДОВ таржимаси

ҲАЖВИЯ

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК САРҲАДЛАРИ

Таниқли олим ва адиб Олим Тошбоевнинг 2019 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйида чоп этилган "Ултонтоз" романи дебочасида муаллифнинг қуйидаги сатрларини ўқиймиз: "Алпомиш Кашалда — зиндонда қолди, йўл қараган элнинг кўзи толди. Бу кўҳна чарх хўп айланди, халқнинг кўнгли Ултонтозга бойланди. Чўридан бўлган бола Қоражонни элга қўштирмай, Олатоққа сургун қилди. Қалдирғоч билан Ёдгор Бобур қўлида туябоқар бўлди. Гулдай юзи айрилиқ ўтидан сўлди".



XX асрда халқимиз кўпдан-кўп фожеаларни бошидан кечирди ва ниҳоят аср охирида мустақиллик насиб этди.

Юртда Алпомиш бўлмаса, ултонтозлар кўпайиши бор гап экан. Мамлакат ва халқнинг жилови эътиқодсиз одамлар қўлига ўтиши буюк қадриятларимизнинг топталишига олиб келди. Йиллар мобайнида ҳалоллик, диёнат тобора тақчиллашиб, имонга дарз кетди. Бугунги катта авлод яқин ўтмишдаги бу каби кирдикорлар ва йўқотишларни яхши билгани ҳолда, ёшларимизнинг кўпчилиги булардан бехабарлиги ҳам аён.

Хайриятки, мустақиллик йилларида қадриятларимизни тиклашга муваффақ бўла олдик. Аммо ҳали-ҳамон айрим иллат ва қусурлардан халос бўла олмаётирмиз.

Муаллиф ушбу романда яқин ўтмишга мурожаат қилиб, оғир кунларда инсонлар сараги саракка, пучаги пучакка ажраганини, яъни яхшилик ва ёмонлик сарҳадларини кўрсата олган. Мозийга қараб иш кўрган адиб мустабид тузум қиёфасини турфа ракурсларда тасвирлаганки, романни ўқиб бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Эълон

Ўзбекистон Миллий университети томонидан Қўшоқов Отабек Хусанович номига 2012 йилда М№062902 рақам билан лингвистика (туркий тил) мутахассислиги бўйича берилган магистрлик дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Академия раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Қаҳрамон Қўлдошевга отаси

АБДУКАРИМ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Бобур Бобомуродга отаси

ХОДИ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамкоримиз: Ипотека akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5195. Буюртма Г - 655.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.22.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60